

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ҲАЛҚАРО ТУРИЗМ” ФАКУЛЬТЕТИ**

Битирув малакавий иши  
ҳимояга тавсия этилди  
“Сервис” кафедраси мудири  
и.ф.н., доц. О.Х. Хамидов

---

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2011 йил

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Мавзу: Мамлакатни модернизациялаш шароитида  
Ўзбекистонда минтақавий туризмни ривожлантириш  
имкониятлари. (“Ўзбектуризм” МҚсининг Хоразм бўлинмаси  
материаллари мисолида)**

Бажарди: “Ҳалқаро туризм”  
факультетининг “Маркетинг” (туризм)  
таълим йўналиши, ТМ-61 гуруҳи, 4-курс  
талабаси Давлетмуратова Сюзанна  
Исламовна

Илмий раҳбар: “Сервис” кафедраси катта  
ўқитувчиси Ш.С. Сайфутдинов

**ТОШКЕНТ – 2011**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b>	3
<b>1-БОБ. Ўзбекистонда мамалкатни модернизация қилишнинг илмий-назарий асослари.</b>	9
1.1. Мамлакатни модернизация қилишда жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари.	9
1.2. Мамалкатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг моҳияти.	16
1.3. Аҳолига хизмат кўрсатиш ва хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши.	22
<b>2-Боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда минтақавий туризмни ривожланиши ва унинг таҳлили.</b>	26
2.1. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий асослари.	26
2.2. Ўзбекистонда туризм соҳаси тараққиётиининг минтақавий хусусиятлари	37
2.3. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг ҳозирги ҳолати.	43
<b>3-БОБ. Мамлакатни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда минтақавий туризмни ривожлантиришнинг истиқболлари.</b>	49
3.1. Ўзбекистон минтақавий туризмни ривожлантириш имкониятлари ва шарт шароитлари.	49
3.2. Минтақавий туризмни ривожлантиришда Хоразм вилояти ва унинг имкониятлари.	57
3.3. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш шарт-шароитлари ва истиқболлари.	64
<b>Хулоса ва таклифлар</b>	73
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>	78

## Кириш

**Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги.** Маълумки, мамлакатимиз тарихида биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатали парламентимизнинг фаолияти ҳаётимизнинг муҳим бир даврига – мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бир даврга тўғри келди. Мамлакатимизни модернизациялаштириш борасида Президентимиз ҳам ўз маърузаларида “Барчамизга яхши маълумки, биз ўз вақтида шу борада муҳим қарорлар, хусусан, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонунни қабул қилган эдик”<sup>1</sup> деб алоҳида эътибор қаратганлар.

Мамлакатни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётда туризм ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди. Бой тарихий-маданий ва табиий-иқтисодий ресурслар республикаимизда хорижий ва миллий туризмни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратади. Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш шарқона меҳмондўстлик ва ғарб хизмат стандартларини ўзаро уйғунлаштиришни талаб этади. Шу муносабат билан туризм соҳасида юз бераётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мазкур соҳада бозор муносабатларини ривожлантириш, тармоқда ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш ва шу асосда туристик корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, туризм соҳасини ислоҳ қилиш борасида республикаимизда қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Энг аввало, унинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги “Ўзбектуризм” миллий компаниясини

---

<sup>1</sup> И.Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. 27 январ 2010 йил Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан. 28 январ 2010 йил “Халқ сўзи” газетаси.

ташқил этиш тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ “Ўзбектуризм” МК ташқил этилди. Туризм соҳасида бошқарувнинг самарали тизимини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлда “Ўзбектуризм” миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги 360-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг фаолияти ва асосий вазифалари белгилаб берилди, компаниянинг ташқилий тузилмаси тасдиқланди.

Маълумки, туризм соҳасини ривожлантириш кўплаб иш ўринларини яратилишига, аҳолини иш билан таъминлаш ва аҳоли даромадлари ошишига олиб келади. Шу муносабат билан президентимиз ҳам ўз маърузаларида “Айни пайтда, шуни ҳам ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз керакки, иқтисодий ўсишни таъминлаш, одамларимизнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топиш энг муҳим бир вазифани муваффақиятли ҳал этишни талаб қилади. Бу вазифа авваламбор демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан жадал ва самарали илгарилаб боришдан иборатдир”<sup>2</sup> деб таъкидлаганини алоҳида эътиборга олиш лозим. Бу билан биз ҳар бир соҳада ислохотлар чуқурлаштирилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Республикада замонавий туризм саноатини ривожлантириш, кенг кўламда хорижий сайёҳларни жалб этиш, шу билан бирга халқаро аҳамиятига эга бўлган “Буюк ипак йўлини” қайта тиклаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июнда “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг ролини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони, “Буюк ипак йўли”да жойлашган қадимий шаҳарлардаги мавжуд маданий ёдгорликлар, тарихий, архелогик ва

---

<sup>2</sup> И.Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. 27 январ 2010 йил Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан. 28 январ 2010 йил “Халқ сўзи” газетаси.

меъморий обидаларни қайта тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича “Мерос” миллий дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон минтақаларида (хусусан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларида) сақланаётган ҳар бир давр ва цивилизациянинг ўзига хос 400 дан ортиқ меъморий ва тарихий-маданий обидалари, археологик ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий мерослар рўйхатига олинган. Ҳозирда шу рўйхатга киритиш учун 32 та маданий мерос объектлари номинацияси тақдим этилган. Бугунги кунда маданий мерос объектларидан 300 дан кўпроғи сайёҳлик йўналишларига киритилиб, Ўзбекистонга ташриф буюраётган туристларга намойиш этилмоқда. Бу шундан далолат беради-ки, мамлакатимиз минтақаларида етарлича туристик имкониятлар мавжуд ва уларни ўрганиш, тадқиқ этиш бевосита битирув малакавий ишнинг долзарблигини таъминлайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туризм ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, жойлаштириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли ижтимоий муаммоларини ҳал этишда, шунингдек, дам олиш, соғломлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Туризмнинг кўпгина қирралари билан узоқ, хориж давлатларидан И.Г.Коль, А.Геттнер, Р.Бланшаром, А.Мариотти, В.Уницикер, МДХ, давлатларида А.Ю.Александрова, К.Н.Баранский, Ю. А. Веденин, С.Р.Ердавлетов, П.Н.Зачиняев, И.И.Пирожник, Ю.Д.Дмитревский, Н.С.Мироненко, А.Низамиев, Е.А.Окладникова, И.Т.Твердохлебов, Н.С.Фалькович, А.П.Дурович ва бошқа олимлар изланишлар олиб борган. Аини вақтда, республикамызда ҳам туризмнинг айрим муаммолари бўйича З.М.Акрамов, Э.А.Ахмедов, Ш.А.Азимов, А. Зокиров, Ф.К.Комилова, А.А.Рафиқов, А.Солиев, Т.Тошмуродов, Н.Тухлиев, Хамидов О.Х., А.Норчаев, О.Х. Хамидов, С.С. Рўзиев каби мутахассислар шуғулланган.

**Битирув малакавий иш объекти ва предмети.** Мазкур ишининг бевосита тадқиқот объекти сифатида мамлакатимиз минтақаларидаги

туристик ресурслар хусусан, Хоразм вилоятининг туристик объектлари танланган. Унинг предмети эса мамлакатимиз минтақаларидаги туристик ресурсларни баҳолаш, тадқиқ этиш, ўрганиш ва аниқлаш иборат. Бинобарин, республикада туризмни ривожлантириш учун барча имкониятлар етарлидир.

**Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари.** Битирув малакавий иш асосий мақсади – республика мисолида туристик ресурсларни ўрганиш ва баҳолаш асосида мамлакатда минтақавий туризмни муаммоларини аниқлаш ҳамда ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг қуйидаги вазифалари белгиланди ва ҳал этилди:

- мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодий таркибий ўзгартиришнинг моҳиятини очиқ бериш;
- аҳолига хизмат кўрсатиш ва хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини аниқлаш;
- Ўзбекистонда туризм ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда туризм соҳаси тараққиётининг минтақавий хусусиятларини аниқлаш
- Ўзбекистонда туризм ривожланишининг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш;
- Ўзбекистон минтақавий туризмни ривожлантириш имкониятлари ва шарт шароитлари аниқлаш;
- минтақавий туризмни ривожлантиришда Хоразм вилояти ва унинг имкониятлари аниқлаш
- Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш шарт-шароитлари ва истиқболларини аниқлаш.

Республикада маҳаллий ва халқаро туризмни ривожлантиришда туристик маҳсулотлар турларини аниқлаш ва сайёҳликнинг турли

йўналишларини жумладан, табиий рекреация, тарихий, диний ва маданий-этнографик турларини ўрганиш ҳамда соҳа олдида турган муаммолар ва уларнинг ечимини топиш мазкур ишнинг асосий ҳимоя жиҳатларини белгилайди.

**Битирув малакавий ишнинг назарий ва услубий асослари.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ҳамда Вазирлар Махкамасининг ушбу тармоқни юксалтириш бўйича ишлаб чиққан кўрсатма ва қарорларига таянади.

Битирув малакавий иш «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳамда Хоразм вилояти бўлинмаси маълумотлари ҳамда илмий ва картографик манбаалар асосида тайёрланди.

**Битирув малакавий ишнинг ишнинг янгилиги.** Бажарилган битирув малакавий ишининг илмий янгилиги республикада минтақавий туризмни маркетинг нуқтаи-назаридан тадқиқ этиш ва ўрганиш билан тавсифланади.

Шунингдек, ишда қуйидаги муаммолар ўз ечимини топган:

- миллий туризм ривожланишида минтақавий туризмнинг роли аниқланди;
- Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланишининг ҳозирги кундаги ҳолати аниқланди;
- Ўзбекистон минтақавий туризмида туризм турларини ривожлантириш имкониятлари ва шарт шароитлари ўрганилди;
- Ўзбекистонда минтақавий туризмни туризмни ривожлантириш йўналишлари ва истиқболлари белгиланди.

**Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти.** Ушбу ишнинг натижа ва хулосаларидан республикада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида туризмни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, тадқиқотнинг илмий-амалий тавсиялари, мавжуд статистик маълумотлари олий ўқув юртлари ҳамда лицей ва коллежларнинг ўқув жараёнини амалга оширишда кўмак беради.

**Ишнинг таркибий тузилиши.** Битирув малакавий ишнинг кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **1-БОБ. Ўзбекистонда мамлакатни модернизация қилишнинг илмий-назарий асослари.**

### **1.1. Мамлакатни модернизация қилишда жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари.**

Президентимиз Ислон Каримов парламент қўшма мажлисидаги маърузасида парламент томонидан амалга оширилган, эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, икки палатали парламент фаолиятидаги айрим камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмай қолган имкониятлар ҳақида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Албатта, бу Олий Мажлиснинг келгуси 5 йиллик фаолиятининг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари белгилаб олинаётган бир шароитда муҳим аҳамиятга эга. Камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмай қолган имкониятлар ҳамда вазифа ва устувор йўналишлар қуйидагилардан иборат қилиб кўрсатилди:

**Биринчидан,** қонунчилик палатаси фаолиятидаги энг катта камчиликлардан бири унинг қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни ўз ичига олган, узоқ истиқболга мўлжалланган, ўз дастурларига эга эмаслигида кўринади. Бу кўпинча қонунларнинг аниқ бир тизимга риоя қилмаган ҳолда, уларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилишига қараб қабул қилинишига олиб келаётган сабаблардан биридир.

**Иккинчидан,** депутатлар корпусининг сусткашлиги туфайли иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислохотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунлар киритилмаган, ташаббус билан чиқмаганлигида. Кейинги 5 йил ичида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атиги 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган холос.

Айни пайтда, 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган, 160 дан зиёд қонун лойиҳаси эса мамлакат ҳукумати (Вазирлар Маҳкамаси) томонидан киритилган бўлиб, уларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорларининг ижросини таъминлаш муносабати билан тақдим этилган.

**Учинчидан,** қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш талаб этилади. Уларнинг кўпчилик амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш, тузатиш ва кўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялаш тавсифига, яъни муайян даражада тизимлашув мазмунига эга эмас. Қабул қилинадиган қонун лойиҳаларида амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқ қиладиган тафовутларга, такрорлашларга йўл қўйилган, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатлари кўп. Асосий камчилик шундаки, қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжуд эмаслигида кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўлланилишини сезиларли даражада қийинлаштиради. Қонунларнинг ижро этилмаслигига ҳуқуқий нигилизм, яъни ҳар қандай ҳуқуқий нормаларнинг инкор қилинишига, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

**Тўртинчидан,** қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклларида сунт фойдаланилмоқда. Қонунчилик палатаси ўтган давр фаолиятида атиги бир нечта, хусусан, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар бўйича парламент сўрови амалга оширган, бу етарли эмас, албатта.

**Бешинчидан,** парламент депутатларининг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш талаб этилади. Бундай тадбир депутатга сайловчилар ўз фаолиятларида қандай муаммоларга дуч келаётгани, уларни ҳал этиш заруратини аниқлаш учун имкон берган бўлар

эди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов округидаги фаолиятини ташкил этиш тартиби» палата томонидан тўртинчи йилидагина, 2008 йилнинг май ойига келиб ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

**Олтинчидан,** қуйи ва юқори палаталар амалий фаолиятининг дастлабки даврида ҳар икки томоннинг ўз амбицияларини намоён этиши билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар кузатилди, бундай зиддиятлар қонунларни қабул қилиш муддати ва сифатига салбий таъсир кўрсатди. Умуман, Президентимиз “Олий Мажлисининг ўтган даврдаги фаолиятини талабчанлик руҳида танқидий баҳолар эканмиз, парламент ишида йўл кўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этмасдан, сусткашлик ва ўзибўларчилик ҳолатларига барҳам бермасдан туриб, депутат ва сенаторлар ўз олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишга, сайлов пайтида сайловчиларига берган юксак ваъдаларининг устидан чиқишга эриша олмаслигини англаб, тушуниб олишимиз керак”<sup>3</sup> деб таъкидлайди.

Сенат ва унинг аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмас. Сенат бу вакиллик органи ва унинг кўпчилик қисми халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг депутатлари сифатида мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органида ана шу маҳаллий кенгашларнинг ваколатли вакили ҳисобланади. Шу боисдан ҳам сенаторлар ўз фаолиятида, қонунларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилишда, биринчи навбатда, умумдавлат манфаатларидан келиб чиқиб, бу қонунлар ўзлари вакил бўлган ҳудуд ва минтақалар манфаатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқишлари тўлиқ қонуний асосга эга.

Шунинг учун ҳам Сенат томонидан айрим қайтарилган қонун лойиҳалари моҳияти, маъно-мазмунни бўйича қуйи ва юқори палаталар келишув комиссиялари доирасида вужудга келадиган баҳс-мунозаралар

---

<sup>3</sup> И.Каримов “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи, 28 январ 2010

демократик парламент ишини табиий соғлом шакли сифатида қарамок лозим.

Айниқса, янгидан сайланган парламент сифат жиҳатдан янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитда фаолият юритиши аён бўлади.

Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши соҳасида мамлакатимиз олдида улкан вазифалар турибди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш каби ишларни изчил давом эттириш зарур.

Президент Ислом Каримов яна бир бор парламентимизда юксак ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳар бир депутат ва сиёсий партиядан эса, аввало, улар сайлов даврида ўз зиммасига олган мажбуриятларини пухта ва виждонли талаб даражасида адо этишлигига асосий эътиборни қаратди. Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам олдимизда турган ишларнинг амалий дастурини тайёрлаш жараёнида ана шу вазифаларнинг барчаси ҳисобга олиниши охиригача пухта ишлаб чиқилишига ишонч билдирди. Шунингдек, юртбошимиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қуйидаги масалалар доимий эътиборимиз марказида туришига асосий диққат қаратилди.

Агар биз иқтисодий ва ижтимоий соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз. Бунда: 1) ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига риоя қилган ҳолда парламент ҳокимиятининг ролини кучайтириш керак; 2) кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, сиёсий партиялар фаоллигини кескин ошириш, улар ўртасидаги рақобат асосидаги курашни кучайтириш лозим. Ҳар бир партия парламентда ғоя ва дастурлар

бирлашувини йўлга қўйиши даркор. Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалик кучли бўлса, партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилади. Бу жараён қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини оширади.

Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа қабул қилинган қонунларни ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устида қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборат. Бунда: 1) Қонунчилик палатаси ва Сенатда қонунлар ижроси давлат дастурлари бажарилиши юзасидан ахборот ва ҳисоботлари камдан-кам муҳокама қилинади; 2) парламент бундай ҳисоботларни эшитиш, яъни танишув хусусиятига эга; 3) кўрилаётган масала бўйича комиссия позицияси аниқ белгилаб олинмаган, пухта ишлаб чиқилган дастур ва ҳужжат қабул қилинмаган; 4) қонун чиқарувчи ҳокимият назорат ваколатларини амалга ошириш қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларидан марказ ва жойларда кенг фойдаланиш чораларини кўриши керак; 5) давлат раҳбарлари ўзига ишониб топширилган қонун ҳужжатлари ижросини таъмин этишлари даркор; 6) ижро ҳокимияти қонунларнинг қандай бажарилиши бўйича ҳисоботларини тинглаб бориш амалиётини кенгайтириши зарур; 7) парламент назоратини амалга оширишда давлат тузилмаларининг иқтисодий соҳага асоссиз аралашувини камайтириш керак. Парламент назоратининг парламент сўрови, парламент ҳисоботини эшитиш каби шаклларида кенг фойдаланиш лозим; 8) бу вазифаларнинг бажарилиши бўйича жавобгарлик барча бўғиндаги давлат ҳокимияти идоралари раҳбарлари ва прокуратура зиммасига юклатилиши лозим; 9) парламент назоратини кучайтиришда оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчилик иштирокини таъминламоқ зарур.

Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислохотлар тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур.

Бунда: 1) фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган «Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини амалга оширишни фаоллаштириш даркор; 2) фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришни талаб этади; 3) сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантиришда фаол таъсирини кучайтиришда ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўла фойдаланиш даркор; 4) маҳаллий кенгашлардаги партиялар гуруҳлари фаолиятини ва унинг таъсирини ошириш лозим; 5) қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналиши бўлган фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини ривожлантириш керак. Бу институт ва ташкилотлар қарорлар қабул қилиш, ўзлари мансуб бўлган ижтимоий қатлам, тузилмалар манфаатини ҳимоя қилиш тизимида муносиб ўринга эга бўлсин.

Бугунги кунда экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат, ноижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифаларни бажариш қуйидагиларни тақозо этади: 1) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантириш; 2) марказ ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари шу соҳага оид қабул қилинган ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш; 3) Ўзбекистон Экологик ҳаракати юксак депутатлик минбаридан туриб, атроф-муҳитни янада самаралироқ муҳофаза қилиш; 4) аҳолини экологик хавф ҳамда тажовузлардан ҳимоялашда улкан имкониятларни қўлга киритиш.

Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларнинг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишга айланиши зарур. Бу устувор йўналишда самарали натижаларга эришиш қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим: 1) маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамиятини янада

ошириш; 2) ёшлар маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашни кучайтириш; 3) маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизми ва ваколатларини кенгайтириш; 4) маҳаллаларда аҳолини ижтимоий-қўллаб қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, янги босқичга кўтариш; 5) бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалла вазибаларини кенгайтириш; 6) давлат ижтимоий дастурларини ҳаётга татбиқ этишда амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш мақсадида давлат органларининг ўзини-ўзи бошқариш идоралари билан мустақкам ҳамкорлигини таъминлаш; 7) оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб муносиб номзодлар сайланишини таъминлайдиган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш.

Бугунги ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустақкамлаш вазибаларини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлаштириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор. Бунда: 1) миллий матбуотимизнинг сифати, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имконият берадиган шарт-шароитларни яратиш, оммавий ахборот восита соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур; 2) оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни,

юртимизда ва хорижда содир этилаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, янада фаолроқ ёритиш учун кўшимча шароитлар туғдириб бериш лозим; 3) нодавлат оммавий ахборот воситаларининг кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни таъминлаш зарур; 4) бу борада оммавий ахборот воситаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни яратиш долзарб вазифалардан биридир; 5) газета ва журналлар таҳририятларининг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан бирга, уларнинг масъулиятини ҳам оширишни кўзда тутди.

## **1.2. Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг моҳияти.**

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда доимо диққатимиз марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди. Мамлакатнинг рақобатбардошлиги энг аввало унинг иқтисодиёти рақобатбардошлиги орқали ифодаланади. Президентимиз ўз маърузаларида “Мамлакатнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни

амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишига айланиши лозим” деб алоҳида таъкидлаганлар<sup>4</sup>.

**Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилиги** – мамлакатнинг ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилияти.

**Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилиги** – иқтисодиётнинг тўловга қодир талабга мос келувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва ички ҳамда ташқи бозорларда сотиш қобилияти.

Ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлик ўзаро жиддий фарқ қилиши мумкин. Бу бозорларда ички ва ташқи муҳитни ташкил этувчи омилларнинг турлича эканлиги, яъни тўловга қодир талаб ҳажми, ички ва ташқи бозордаги нархлар ўртасидаги фарқ, олиб борилаётган ташқи савдо сиёсати ва ҳ.к.лар билан белгиланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашганлиги, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Француз иқтисодчиси Ф.Перрунинг таърифига кўра, иқтисодий бирликнинг таркиби айни шароитда ва шу лаҳзада уни тавсифлайдиган пропорциялар ва нисбатлар мажмуидир.

**Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши** – иқтисодиётнинг турли қисм ва бўлаклари ўртасидаги пропорциялар ва ўзаро нисбатлар.

---

<sup>4</sup> И.Каримов “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи, 28 январ 2010

Мураккаб тизим сифатида иқтисодиётнинг барча элементлари орасидаги шаклланган ва ўзгариб борадиган пропорциялар ва ўзаро нисбатлар таркибий ўзгаришларни тавсифлайди.

Миллий хўжаликнинг мақбул таркиби, алоҳида турдаги ишлаб чиқаришларнинг ривожланганлиги ва баланслашганлиги, уларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳар қандай давлат ривожланишининг пировард мақсади – аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакат хўжалигининг турли бўлак ёки қисмларга қандай белгилар асосида ажратилишига кўра иқтисодиёт таркибий тузилишининг турлари ўзаро фарқланади (3.3.1-расм).

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилиши шаклланишида унинг табиий ресурс салоҳияти, географик жойлашуви, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси каби омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлсада, уни ўзгартириш ва такомиллаштиришда давлатнинг таркибий сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди.



**1.1-расм.**

*Таркибий ўзгаришлар сиёсати* – давлат томонидан амалга ошириладиган, иқтисодийнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсати:

- мамлакат иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби кўрсаткичларда алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;

- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хом ашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;


- юқори технологиялар ва замонавий техника билан билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушини ошириш;

- конъюнктура ўзгаришларига тез мослашувчан, капитал сиғими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичларидаги салмоғини оширишга эришиш йўналишларида олиб борилмоқда.

Иқтисодийнинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш, чуқур қайта ишланган, тайёр, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда олиб борилган изчил таркибий сиёсат натижасида иқтисодийнинг таркибий тузилишида сифат силжишлари рўй берди.

Жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 14 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу улуш 24 фоизга етди (3.3.2-расм).



1.2-расм.

Шунингдек, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши шу даврда 8 фоиздан 12 фоизгача кўтарилди. Саноат, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши ортиши солиқ юкининг камайтирилиши, бу тармоқларга инвестициялар устувор тарзда жалб қилиниши, йирик инвестиция лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида рўй берди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари шу йилларда муттасил юқори суръатларда ўсди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирига қарамасдан тармоқда ўсиш суръати 2008 йилда 12,7 фоизни, 2009 йилда эса 9 фоизни ташкил этди (3.3.3-расм).



**1.3-расм.**

Таққослаш учун қайд этиш мумкинки, 2009 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажми олдинги йилга нисбатан Қозоғистон Республикасида атиги 1,7 фоизга ўсган бўлса, Россия Федерациясида 10,8 фоизга, Украинада 21,9 фоизга қисқарди.

2009 йилда юқори ўсиш суръатлари машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (117,4%), кимё ва нефть-кимё, ёқилғи (110,3%), қурилиш материаллари (108,7%), қора металлургия (108,4%) ва озиқ-овқат (108,2%) саноатида қайд этилди.

Маърузада 2011 йилда иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш борасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилди:

1) корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ишларни давом эттириш;

2) мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш орқали истеъмол бозорини улар билан тўлдириш ва мутаносиблигини таъминлаш;

3) аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улушини 49 фоизга етказиш;

4) кичик бизнесни жадал ривожлантириш, соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш;

5) ташқи савдо айланмаси, шу жумладан экспортнинг товар таркибини янада диверсификация қилиш.

Бу вазифалар комплекс тавсифга эга бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган оптимал таркибини шакллантириш мақсадига хизмат қилади.

### **1.3. Аҳолига хизмат кўрсатиш ва хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши.**

Бугунги кунга келиб, нафақат кишилар ҳаётининг маиший жиҳатлари, балки саноат тармоқларининг ривожланиши, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги олдиндан мавжуд бўлган ҳамда янгидан пайдо бўлаётган ўнлаб турдаги хизматларга боғлиқ бўлиб бормоқда. Шу ўринда Президентимиз ҳам хизмат кўрсатиш соҳасига алоҳида эътибор қаратиб ўз маърузаларида “Бундай тармоқлар ташқи конъюнктурага ҳам, об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди. Айти пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим роль ўйнайди” деб таъкидлаганлар. .

Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини куйидаги расм орқали ифодалаш мумкин (3.3.5-расм).

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши ва мураккаблашиб бориши, фан-техника тараққиёти омили ролининг ошиб бориши номоддий неъматларга бўлган талабнинг кўпайишига олиб келди.



**1.4-расм.**

Хизматлар соҳаси жадал ривожланиб борар экан, тобора кўпроқ ишчи кучининг банд бўлишини таъминламоқда, давлат бюджетига солиқ тушумлари, валюта захирасига қатъий валюта тушумларининг кўпайишига ҳисса қўшмоқда. Айниқса аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ички истеъмол бозорида мутаносибликка эришишда, иқтисодий ўсишнинг муҳим шarti бўлган ички талабни кенгайтиришда, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Автомобиллар ва маиший техникага сервис ва таъмирлаш хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг ташкил қилиниши ҳамда ривожланиши шу маҳсулотларга бўлган талабнинг кенгайишига олиб келади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги 640-сонли «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Давлат дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида

мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси барқарор юқори суръатларда ривожланиб бормоқда (3.3.1-жадвал).

**1.1-жадвал. Ўзбекистонда хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати  
(ўтган йилга нисбатан фоизда)**

<b>Хизмат турлари</b>	<b>2007 йил</b>	<b>2008 йил</b>	<b>2009 йил</b>
Жами хизматлар	126,6	121,3	116,7
Савдо ва умумий овқатланиш	132,5	126,8	121,8
Транспорт хизматлари	121,1	112,7	110,4
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	151,5	140,1	131,6
Молия хизматлари	123,8	132,2	124,7
Туристтик-сайёҳлик хизматлари	122,3	126,2	130,4
Меҳмонхона хизматлари	133,5	122,5	112,3
Коммунал хизматлар	109,3	108,4	101,1
Маиший хизматлар	128,0	129	126,6
Автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматлари	138,7	139,2	130,2
Бошқа хизматлар	1	130,	12

	42,5	6	8,6
--	------	---	-----

Шахсий автомобиллар, маиший ускуналар сонининг ортиши уларга сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматларнинг кескин ошишига олиб келди. Алоқа (айниқса, уяли алоқа) ва ахборотлаштириш хизматларини кўрсатиш ҳажми кескин ўсмоқда. Молия хизматлари, транспорт хизматларининг ўсишида барқарорлик кузатилмоқда. Аммо, аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида фойдаланилмаган имкониятлар мавжудки, бу ҳол уларни ишга солиш, айтиқса, қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш заруриятини янада кучайтиради.

Масалан, республикамиз бўйича ўртача ҳар 100 минг кишига деярли 40 та йирик маиший хизмат корхонаси тўғри келса, бу кўрсаткич шаҳар жойларида 64 тани, қишлоқ жойларида эса 26 тани ташкил этади. 2008 йил натижаларига кўра қишлоқ аҳолисига кўрастилган хизматлар ҳажми жами аҳолига кўрсатилган хизматларнинг бор-йўғи 26,8 фоизини ташкил этган.

Шу сабабли ҳам яқин истиқболда қишлоқ жойларида хизматлар соҳаси устувор ривожлантириш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ЯИМдаги улуши 2010 йилда 49 фоизга етказилди, соҳада банд ходимлар сонини 2010 йил охиригача 2006 йилга нисбатан 2 мартага оширилди. Ушбу вазифалар янги хизмат турларини кўрсатиш бўйича фаолиятни қўллаб-қувватлаш, соҳада кичик бизнесни янада ривожлантириш, ахборот-телекоммуникация хизматлари, транспорт, молия, туризм хизматларини устувор ривожлантириш орқали таъминланди.

## **2-БОБ. Мамлакатни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда минтақавий туризмни ривожланиши ва унинг таҳлили.**

### **2.1. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий асослари**

Ҳар қандай мамлакатда туризмнинг ривожланиши, энг аввало, ушбу соҳага нисбатан давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг самарадорлик даражасига боғлиқ. Давлат туристик инфратузилманинг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, яъни меъёрий-ҳуқуқий асосларни барпо этиш, умуман туризм ва унинг алоҳида турларини рағбатлантириш бўйича тегишли ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларни амалга ошириш, туризм фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ўртасида ҳалол рақобат муҳитини яратиш, туризмга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмасини тартибга олиш, туристлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш орқали ушбу соҳанинг ривожланишига ёрдам кўрсатади.

Собиқ Иттифоқ даврида мавжуд тузумнинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистонда туризм соҳасининг иқтисодий имкониятларига етарли даражада баҳо берилмаслиги туфайли мамлакатимизда туризм соҳаси юқори суръатларда ривожланмади. Республикаимизнинг бой тарихий-маданий обидалари ва миллий архитектура намуналаридан туристик объект сифатида фойдаланилмади. Ўз навбатида мамлакатимиз фуқаролари ҳам жаҳон туризми имкониятларидан баҳраманд бўла олмадилар.

Мамлакатимизнинг сиёсий мустақилликни қўлга киритиши, бозор муносабатларига асосланган очиқ иқтисодиёт асосларининг шакллантирилиши туризм соҳасини Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айлантириш учун реал шарт-шароитларни вужудга келтирди. Бироқ республикалараро хўжалик алоқаларининг бузилиши, инфляциянинг юқори даражаси, мураккаб сиёсий вазият ва бошқа бир қатор

омиллар таъсирида XX аср 90-йилларининг бошларида туризм тармоғи бошқа тармоқлар сингари қийин аҳволга тушиб қолди.

Баъзи маълумотларга кўра, 1992 йилда республикада хорижий туристлар сони 4-5 баробарга қискарди, туризм имкониятларидан фойдаланиш даражаси 6 фоиздан ошмади, битта хорижий туристдан олинадиган даромад эса 1 суткада 12 долларни ташкил этди<sup>5</sup>.

Бунинг устига бу даврда хизматлар кўпинча пасайтирилган тарифлар бўйича “рублларда” амалга оширилди. Ҳисоб-китобларга кўра, 1992 йилда туризм имкониятларидан етарли даражада фойдаланмаслик оқибатида республикада 3 млн доллардан кўпроқ даромаддан маҳрум бўлди. Натижада 1992 йилнинг охирига келиб туризмнинг ҳар икки объектидан бири зарар билан ишлади<sup>6</sup>.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш объектив заруриятга айланди. Бозор муносабатларига асосланган туризм эса мамлакатимизнинг туристик имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш учун замин яратади.

Мустақиллик йилларида даставвал туризм ривожланишининг институционал ва меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил 27 июлдаги 447-сонли Фармонида мувофиқ “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси ташкил этилди. Шунингдек, 1993 йилда Ўзбекистон Бутунжаҳон Туристик Ташкилотининг аъзосига айланди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда туризм ривожланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик ва Солиқ Кодекслари, 1999 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июндаги

---

<sup>5</sup> Тухлиев Н.Т., Таксанов А. Экономика большого туризма. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001, с.124

<sup>6</sup> Ўша манба, 25-бет.

“Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги, 1999 йил 15 апрелдаги “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисидаги” Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги 210-сонли “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш тўғрисида”ги, 1998 йил 8 августдаги 346-сонли “Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2002 йил 2 сентябрдаги 310-сонли “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2003 йил 17 январдаги 33-сонли ушбу қарорни қисман ўзгартириш тўғрисидаги, 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сонли “Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари ташкил этади.

Республикамизда туризмни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий ўринни эгаллайди. Унинг 53-моддасида шундай таъкидланади: «Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди».<sup>7</sup> Мазкур меъёр барча хўжалик юритиш субъектлари, шу жумладан, туризм субъектларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси моддаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг катта қисми иқтисодий муносабатларни тартибга солишни қамраб олади ва тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан,

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. - 1992. – 11 б.

туризм соҳасидаги тадбиркорлик ривожланишини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисидаги” қонуни туризм фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрларни ўз ичига олади. Унда туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалалар ўз аксини топган.

“Туризм тўғрисидаги” қонуннинг 3-моддасида туризм фаолияти билан боғлиқ асосий тушунчалар – туризм, турист, туристик фаолият, экскурсия фаолияти, туристик ресурслар, туристик фаолият субъектлари, туристик индустрия, тур, туристик хизматлар, туристик гуруҳ раҳбари, туристик фаолиятни амалга ошириш учун лицензия, сертификат каби тушунчаларнинг таърифлари келтирилган. Туризмга оид тушунчаларнинг бундай аниқ тавсифланиши кўплаб қонунчилик меъёрларини тадбиқ этишни сезиларли даражада енгиллаштиради. Масалан, туристик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ёки имтиёзли солиққа тортиш бўйича қонунчилик меъёрларини амалиётга жорий этишдаги чалкашликларга барҳам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонуннинг 4-моддасида туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, у бозор муносабатларига ўтишнинг “ўзбек модели” тамойиллари билан уйғунлашиб кетган.

Ушбу қонуннинг 8,9 ва 10-моддаларида туристик фаолиятни лицензиялаш, молиялаш манбалари ва туристик хизматларни сертификациялаш тартиби белгилаб берилган. Унга кўра туристик фаолият туристик субъектларнинг ўз маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул бадаллари, заём маблағлари, чет эл инвестициялари ва қонунда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги қонуннинг 14 ва 15 моддалари алоҳида эътиборга молик бўлиб, уларда туристик фаолият

субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кўрсатиб берилган. Қонунга мувофиқ турист шартномада назарда тутилган туристик хизматлар мажмуидан тўлиқ фойдаланиш, саёҳатга тааллуқли тўлиқ ва ишончли ахборотларни олиш ҳуқуқига эга. Агар шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда турист моддий зарарнинг тўланиши, шунингдек, маънавий зарарнинг ўрнини қопланишини талаб қилишга ҳақли ҳисобланади. Айтилишича турист шартнома шартларига, божхона ва чегара назорати қоидаларига, борилган мамлакатнинг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши лозим.

Туризм ривожланишининг муҳим омилларидан бири нафақат турист, балки туристик фаолият субъектлари томонидан шартномада кўрсатилган шартларнинг тўлиқ бажарилиши ҳисобланади. Шу муносабат билан “Туризм тўғрисида”ги қонуннинг 16 ва 17-моддалари туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига бағишланган.

Бундан ташқари қонунчиликда туристларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, туристлар соғлигини ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, “Туризм тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси “Туристларнинг хавфсизлиги кафолати” деб аталиб, унда туристларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланиши таъкидланган ва бунинг учун туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, туристик фаолият субъектлари масъул ҳисобланадилар. Улар туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш дастурларини, туристлар касалланганда, жароҳатланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқадилар ва унинг бажарилишини ташкил этадилар.

Қонуннинг “Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари” деб номланган 19-моддасида туристик фаолият субъектлари томонидан туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга

оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар мажмуи кўрсатиб берилган. “Туристларни суғурта қилиш” номли 20-моддасида туристларни суғурта қилиш мажбурий эканлиги эътироф этилган.

Туризм соҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани эътиборга моликдир. Хусусан, солиқ соҳасида туристик фаолият билан шуғулланаётган корхона ва фирмалар учун бир қатор имтиёзлар тақдим этилган бўлиб, уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга фирма ва корхоналарнинг тармоқ хусусиятлари билан боғлиқ бўлган имтиёзлар киради. Чунончи, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туризм соҳасида ташкил этилган қўшма корхоналар Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ 5 йил муддатга олиб чиқиб кетилаётган фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасининг Буюк ипак йўлини қайта тиклашга иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра тижорат банкларида тадбиркор томонидан хусусий меҳмонхоналар ва меҳмонхона инфратузилмаси объектлари қурилган тақдирда уларга қарз узиш муддати камида 5 йил муддатга тенг бўлган кредитлар тақдим этилиши тавсия қилинган.

“2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисидаги”ги бошқа бир фармонга мувофиқ эса туризм учун мўлжалланган ускуналарни божхонадан ўтказишга махсус имтиёзлар киритилган. Хозирги кунда 2015 йилгача бўлган даврда ҳам туризмни ривожлантириш дастури қабул қилинмоқда.

Шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган туризм фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар тузилган пайдан бошлаб биринчи даромад орттиргунга қадар, лекин узоғи билан рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан уч йилгача даромад (фойда) ва ер солиғидан озод қилинадилар. Улар фойда олинган биринчи йилда эллик

фоиз, иккинчи йилда етмиш беш фоиз, учинчи йилдан бошлаб эса юз фоиз миқдорда солиқ тўлайдилар.

Туристтик фаолият билан шуғулланувчи корхоналарга қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳам имтиёзлар жорий этилган бўлиб, Солиқ кодексининг 71-моддасига кўра туризмнинг қуйидаги шакллари мазкур солиқ турини тўлашдан озод этиладилар: тиббий, санаторий-курорт, соғломлаштириш ва туристик экскурсия хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг асосий (соҳа) фаолияти бўйича кўрсатадиган хизматлари, болалар дам олиш лагерларининг хизматлари.

Имтиёзлар тўғрисида фикр юритар эканмиз, яна шуни таъкидлаш лозимки, янги ташкил этилган туризм фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг мол-мулкига ташкил этилган вақтдан эътиборан дастлабки фойда олингунга қадар, лекин улар рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга солиқ солинмайди.

Иккинчи гуруҳ имтиёзларга фаолият соҳасидан қатъий назар тақдим этиладиган умумий имтиёзларни киритиш мумкин. Бу ерда туризм билан шуғулланаётган фирмалар кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун мўлжалланган бошқа имтиёзларга ҳам эга бўлишлари мумкин. Масалан, кейинги қонунчилик инвестициялаш шароитларининг ёмонлашувига олиб келса, хорижий инвесторларга нисбатан 10 йил давомида амалдаги қонунчилик шартлари қўлланилади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 5 фоиздан 10 фоизгачасини экспорт маҳсулотлари ташкил этса, фойдадан олинадиган солиқ ставкаси 20 фоизга, 10 фоиздан 20 фоизгачасини ташкил этса, 30 фоизга, 20 фоиздан 30 фоизгача – 40 фоизга, 30 фоиз ва ундан юқори фоизни ташкил этса, 50 фоизга камайтирилади. Яна бир имтиёз шундан иборатки, корхона томонидан олинган эркин алмашинадиган валютадаги тушум товарлар (хизматлар, ишлар) экспорт ҳажмининг ўсиши ҳисобига шаклланган бўлса, у фойдадан олинадиган солиқдан озод қилинади.

Устав жамғармасида хорижий капитал улуши 30 фоизни ташкил қилган қўшма корхоналар, шунингдек, хорижий корхоналар, уларнинг филиаллари, ваколатхоналари ва шўъба корхоналари фойдасига 25 фоизлик фойда солиғи қўлланилади.

Агар туристик фаолият билан шуғулланаётган фирма ўзи ишлаб чиқарган товарни экспорт қилса, у ҳолда мазкур фирмадан акциз солиғи олинмайди, агар экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарса, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун солиқ кредитини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Қўшма корхона шаклидаги туристик фирманинг устав жамғармаси 500 минг доллардан юқори бўлса, мулк солиғини тўлашдан озод этилади. Бундан ташқари қўшма корхона шаклидаги туристик фирма ходимларининг шахсий мол-мулклари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан бож тўлови ундирилмайди.

Кўришиб турибдики, Ўзбекистонда туристик фаолият билан шуғулланиш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш натижалари яна шуни кўрсатадики, унинг айрим жиҳатларини янада такомиллаштириш ва бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш лозим.

“Туризм тўғрисида”ги қонуннинг бир жиҳати тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу туристик хизмат кўрсатиш субъектларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш билан боғлиқ. Қонунда “белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар”<sup>8</sup> туристик хизмат кўрсатиш субъектлари ҳисобланиши таъкидланади. Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, “лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар” туристик фаолият субъектлари, деб таъриф берилиши мақсадга мувофиқ эмас. Негаки, “корхона”, “ташкилот” ва

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни. Халқ сўзи газетаси, 1999 йил 21 август

“муассаса” атамалари бир-бирларидан фаолият йўналишлари бўйича фарк қилади.

Корхона – бу моддий неъматлар ишлаб чиқариш, уларни ташиш, маҳсулотларни қайта ишлаш, сотиш билан шуғулланувчи иқтисодий фаолият субъектларидир. Муассаса муайян ижтимоий бошқарувни амалга оширувчи ташкилий бирлик ҳисобланса, ташкилот деганда корхона ва муассасадан фарқли ўлароқ, хўжалик фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, ташкиллаштириш билан шуғулланувчи ташкилий бирлик тушунилади. Шу муносабат билан туристик хизмат фаолияти субъектларига таъриф беришда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий номланиши эмас, балки уларнинг фаолият мақсади асосий ўринга қўйилиши лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, “туристик фаолияти субъектлари”га “туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун белгиланган тартибдаги лицензияга эга бўлган юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектлари” сифатида таъриф бериш мақсадга мувофиқ, бўлар эди.

“Туризм тўғрисида”га қонунда туристик фаолиятни амалга оширувчи субъектлар турлари келтирилмаган. Ваҳоланки, туризмга оид хорижий мамлакатлар қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро ҳужжатларда турфирма, туроператор, турагент каби тушунчаларнинг таърифлари келтирилган. Масалан, Россия Федерациясининг “Туристик фаолият асослари тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасида<sup>9</sup> ёки Бутунжаҳон Туристик Ташкилоти ҳужжатларида ушбу атамаларнинг таърифлари келтирилган. Ушбу бўшлиқнинг тўлдирилиши туризм фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатларини мукамалроқ бўлишини таъминлаш билан бирга туризм қонунчилигининг ҳам шаклан, ҳам мазмунан халқаро стандартларга яқинлашувига олиб келади.

---

<sup>9</sup> «Федеральный закон Российской Федерации об основах туристской деятельности в Российской Федерации» от 24 ноября 1996 года.

Яна бир жихат эътиборга молик бўлиб, бизнинг фикримизча, туристик фаолият субъектлари жумласига якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорларни ҳам киритиш лозим. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кўплаб мамлакатларда якка тартибдаги тадбиркор фуқаролар туризм фаолияти билан муваффақиятли шуғулланмоқдалар ва уларнинг мазкур турдаги фаолият билан шуғулланишлари учун қонуний асос мавжуд.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда туризм фаолияти ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш натижалари қуйидаги жихатларни алоҳида ажратиб кўрсатишни тақозо этади:

Биринчидан, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризм ривожланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик ва Солиқ Кодекслари, 1999 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ва ушбу соҳани ислоҳ қилишга оид Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ўз ичига олади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирларни кўзда тутиб, уни ривожлантиришга қаратилган асосий қонуний қафолатлар ва қоидалар қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтидаги дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш, туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш, болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари туризми (экскурсиялари) учун шароит яратиш, туристик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминлаш, туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш ва

ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

- шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда турист моддий зарар тўланиши ва маънавий зарарнинг ўрни қопланишини, айни вақтда туристик фаолият субъектлари туристлар томонидан етказилган зарарнинг ўрни қопланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга;

- туристларни суғурта қилиш мажбурий бўлиб, у туристик фаолият субъектлари томонидан суғурта фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган тегишли ташкилотлар билан тузиладиган битимлар асосида амалага оширилади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида туристик фаолият билан шуғулланаётган корхона ва фирмалар учун бир қатор имтиёзлар тақдим этилган бўлиб, унда солиқ соҳасидаги имтиёзлар алоҳида ўринга эга. Бу имтиёзларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчиси - фирма ва корхоналарнинг тармоқ хусусиятлари билан боғлиқ бўлган имтиёзлар, иккинчиси - фаолият соҳасидан қатъий назар тақдим этиладиган умумий имтиёзлар.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда туристик фаолият билан шуғулланиш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, унинг айрим жиҳатларини янада такомиллаштириш ва бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш лозим. Бизнинг фикримизча, туризм ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари қуйидаги йўналишда такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ:

- “туристик фаолияти субъектлари”га “туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун белгиланган тартибдаги лицензияга эга бўлган юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектлари” сифатида таъриф бериш мақсадга мувофиқ;

- “Туризм тўғрисида”га қонунга турфирма, туроператор, турагент каби тушунчаларнинг таърифларини киритиш лозим. Бу туризм фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатларини мукамалроқ бўлишини таъминлаш билан бирга туризм қонунчилигининг ҳам шаклан, ҳам мазмунан халқаро стандартларга яқинлашувига олиб келади;

- туристик фаолият субъектлари жумласига яқка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорларни ҳам киритиш лозим.

## **2.2. Ўзбекистонда туризм соҳаси тараққиётининг минтакавий хусусиятлари**

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда миллий туризм модели ривожланиш босқичида бўлиб, унда ўзбек халқининг менталитети – шарқона меҳмондўстлик ва ғарб хизмат стандартларининг уйғунлашувига эришишга асосий эътибор қаратилмоқда. Туризм соҳасида юз бераётган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар мазкур соҳада бозор муносабатларига асосланган туризм моделини шакллантиришга йўналтирилган.

Шу мақсадда республикада туристик инфратузилмани ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди: Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч шаҳарларида йирик меҳмонхоналар қуриб ишга туширилди, Термиз, Шаҳрисабз, Бухорода меҳмонхоналарни халқаро андозалар асосида таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда, янги авиалайнерлар ва қулай туристик автобуслар сотиб олинди, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Урганчдаги аэропортлар замонавий талаблар асосида таъмирланди, туристик марказларни туташтириб турувчи автомобиль ва темир йўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш орқали хорижий ва миллий туристларни қабул қилиш имкониятига эга бўлган юзлаб хусусий меҳмонхоналар очилди. Рекрецион минтақаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, Чорвоқ-Чимён минтақасида бир вақтнинг ўзида 800

нафаргача туристларни қабул қила оладиган туристик мажмуа қуриб ишга туширилди. Мазкур мажмуада таклиф этилаётган сервис хизмати сифати халқаро андозалар талабларига жавоб беради.

Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилей тадбирлари давомида “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси кўмагида 100 дан ортиқ тарихий обидалар қайта тикланди.

Туризм соҳасида амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнлари соҳада ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш ва туристик корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган. Шу муносабат билан “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар билан бир қаторда туризм билан шуғулланиш лицензиясига эга турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар тизимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 400 дан ортиқ мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар туристик фаолият юритиш лицензиясига эга бўлиб, уларнинг 290 тадан зиёдроғи хусусий корхоналар ҳисобланади. Бу корхона ва ташкилотларнинг аксарияти маданий-танишув, экологик, саргузашт, спорт, диний ва бошқа туризм соҳаларида фаолият кўрсатадилар.

Туристик корхоналар сонининг 2000 йилга нисбатан 2004 йилда 1,5 мартага қисқарганлигини таъкидлаш жоиз. Туристик фирмалар сонининг қисқаришига туристик компанияларнинг ишончилиги ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида устав фонди минимал даражасининг 2000 долларгача (шартли бирликда) оширилганлиги сабаб бўлди.

Бундан ташқари туристик хизматлар соҳасига авиакомпаниялар, автомобиль ва темирйўл транспортлари, маданият, телекоммуникация корхоналари, оммавий ахборот воситалари, савдо, умумий овқатланиш, маҳаллий саноат корхоналари ва бошқалар ҳам жалб қилинмоқда.

“Ўзбектуризм” миллий компаниясининг асосий вазифаси эса туристик фаолият юритиш билан бир қаторда турли мулкчилик шаклида фаолият

юритаётган туристик корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат.

Ўзбекистонда туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган хорижий инвесторлар ва тадбиркорларга тақдим этилган енгилликлар ва имтиёзлар тизими кўплаб мамлакатлар иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйновчи йирик меҳмонхоналар империялари билан бир қаторда меҳмонхоналар менежментини амалга оширувчи унчалик йирик бўлмаган фирмалар эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Бу йўналишда республиканинг энг нуфузли ҳамкорлари Германия ва Италия бўлиб, улар меҳмонхоналар тармоғига йирик инвестициялар киритиш, уларнинг юкланишини таъминлаш, хизматлар экспортини амалга ошириш, Ўзбекистон тўғрисида, унинг диққатга сазовор жойлари, халқи, тарихи ва маданияти тўғрисида фаол реклама фаолиятини юритиш имкониятига эгалар.

Шу билан бирга мамлакатдаги молиявий-иқтисодий аҳволнинг беқарорлиги, меҳмонхона ва туристик инфратузилманинг такомиллашмаганлиги, туристик расмиятчиликларни амалга оширишда бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги, қўшни мамлакатларда сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг қарор топмаганлиги ва бошқалар туризм ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундан ташқари хорижий мамлакатлар бозорларида Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар деярли мавжуд эмас. Меҳмонхоналардаги хизматлар сифати кўп ҳолларда унинг нархларига мувофиқ келмайди. Ўзбекистон бўйлаб турлар таклиф қилаётган хорижий операторлар мамлакатга кириш визаларини расмийлаштиришдан бошлаб кўплаб муаммоларга дуч келадилар. Улар элчихоналар ва консулликлардан зарурий ёрдамни ололмайдилар.

Ўзбекистонда визалар қиймати нисбатан қиммат. Республикамизда туристик бизнес ва молиявий соҳа қонунчилигида юз бераётган тез-тез ўзгаришлар ҳам хорижий турфирмалар фаолиятига салбий таъсир

кўрсатмоқда. Мамлакат туристик бизнес соҳасида юзага келган вазиятга кадрлар малака ва касбий тайёргарлик даражасининг етарли эмаслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бундай салбий тенденцияларни олдини олиш учун республикамизнинг туристик имкониятларидан тўлароқ ва самарали фойдаланиш талаб этилади.

Айниқса, республикамиз вилоятларининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади (4-жадвал).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда туристик компаниялар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Агар 1995 йилда ушбу минтақаларнинг жами хизматлардаги салмоғи 78,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 85,9 фоизга тенг бўлган.

Албатта, юқоридаги минтақаларда тарихий, маданий ва архитектура меросларининг мавжудлиги туризм ривожланишида муҳим ўрин тутди. Аммо вилоятлар бўйича туристик компаниялар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг бу даражада концентрациялашуви қолган вилоятлар туристик имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлигини кўрсатади. Хусусан, туризм салоҳияти юқори бўлган Хоразм вилоятининг жами хизматлардаги салмоғи 1995 йилда 4 фоиздан 2006 йилда 1,4 фоизга, Тошкент вилоятининг салмоғи 4,1 фоиздан 1,2 фоизгача пасайган.

Шу билан бирга бу соҳада эришилган айрим ижобий жиҳатларни ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида Сурхондарё вилоятининг жами хизматлардаги улуши 0,8 фоиздан 7,8 фоизгача ўсган. Бу, бир томондан, вилоятда амалга оширилган археологик ишларнинг натижаси ҳисобланса, иккинчи томондан, Термиз шаҳрида нодавлат ташкилотлари сонининг ўсиши билан тушунтирилади. Бу ташкилотлар фаолияти Афғонистонни қайта тиклаш ва инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатишга йўналтирилган.

Мамлакатимизга ташриф буюрган туристлар сонида ҳам шунга ўхшаш тенденция кузатилади. Хусусан, 1995 йилда республикаимизга ташриф буюрган жами туристларнинг 93,9 фоизи тўртта минтақа – Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич бирмунча пасайган ва 90,3 фоизга тенг бўлган. Бундай пасайиш асосан Сурхондарё вилояти улушининг 0,4 фоиздан 6,7 фоизга ўсиши ҳисобига юз берган.

Мамлакатимиз минтақаларидан қабул қилинган туристлар вилоятлар бўйича бирмунча текис тақсимланган. Чунончи, 1995 йилда юқоридаги тўртта минтақанинг улуши 53,1 фоизни, 2006 йилда 45,6 фоизни ташкил этган. Минтақалардан қабул қилинган туристлар сонида Тошкент (23,9 фоиз), Қашқадарё (10,1 фоиз), Жиззах (8,4 фоиз) вилоятлари ҳам салмоқли улушга эга. Бу, энг аввало, ушбу вилоятларда республика даражасидаги санатория, соғломлаштириш мажмуалари, дам олиш масканларининг мавжудлиги билан тушунтирилади.

Мамлакатимиздан хорижий мамлакатларга жўнатилган туристлар сонида асосий ўринни Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари эгаллайди. Мазкур минтақаларнинг жами хорижий мамлакатларга жўнатилган туристлар сонидаги биргаликдаги салмоғи 1995 йилда 78,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 99,6 фоизга етган. Айниқса, 2006 йилда жами хорижга жўнатилган туристларнинг 90,6 фоизи биргина Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келиши ташвишли ҳол бўлиб, республикаимиз минтақаларида аҳоли даромадлари бўйича кучли дифференциация мавжудлигидан далолат беради. Чунки хорижий мамлакатларга чиқиш биринчи навбатда аҳоли даромадлари даражасига боғлиқ.

МДХ мамлакатларига жўнатилган туристлар сонида ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилади. Хусусан, 1995 йилда жами МДХ мамлакатларига жўнатилган туристларнинг 80,6 фоизи Тошкент шаҳри, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2006 йилга келиб энг юқори улушга эга бўлган учта минтақанинг (Тошкент шаҳри, Хоразм ва

Самарқанд вилоятлари) биргаликдаги салмоғи 97,1 фоизга етган. Айти вақтда 2006 йилда республиканинг 8 минтақасидан МДХ мамлакатларига бирорта ҳам турист жўнатилмаган.

Туристтик хизматлар экспортида Тошкент шаҳри яққол пешқадам бўлиб, 1995 йилда республикада туристик компаниялари томонидан амалга оширилган хизматлар экспортининг барчаси ушбу минтақа ҳиссасига тўғри келган. Республикада туризм соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, 2006 йилда аҳвол бирмунча яхшиланди ва Тошкент шаҳрининг жами хизматлар экспортидаги улуши 67,4 фоизгача пасайди. Айти вақтда Самарқанд (16,2 фоиз), Бухоро (6,5 фоиз) Сурхондарё (6,1 фоиз), Хоразм (3 фоиз) вилоятлари ҳам хизматлар экспортида сезиларли ўринга эга бўла бошлади.

Туризм ривожланишида бундай минтақавий тафовутнинг вужудга келишида туризм моддий-техника базасининг Ўзбекистон ҳудудлари бўйича нотекис жойлашганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади. “Ўзбектуризм” Миллий Компаниясининг маълумотларига кўра, бугунги кунда туризм ишлаб чиқариш қувватларининг 40 фоизи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, 37 фоизи – Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари, 16 фоизи Фарғона водийси ҳиссасига тўғри келади. Республикада ҳудудининг 50 фоизидан кўпроғи тўғри келадиган қолган вилоятлар ҳиссасига туризм ишлаб чиқариш салоҳиятининг атиги 7 фоизи тўғри келади, холос.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон туризм соҳасида юз берган ўзгаришларга қарамадан туризмнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши атиги 0,3 фоизни, жаҳон туризмидаги салмоғи 0,01 фоизни ташкил этади, холос. Республикада туризм соҳасини ривожлантириш учун йирик салоҳиятга эга эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу кўрсаткич жуда паст ҳисобланади.

### 2.3. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг ҳозирги ҳолати.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. 2008 йилда 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдордаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўп демакдир. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди”<sup>10</sup> деб таъкидлаганлигини инобатга олиш зарур ва бу соҳада кўплаб ишлар амалга оширилаётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида давлат томонидан эътибор кучайтирилмоқда, ушбу соҳада ҳам президентимизнинг қуйидаги сўзларини ҳисобга олиш зарур “Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

2008 йил мобайнида юртимизда 661 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида — 374 мингга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида — қарийб 220 мингга, касаначилик ҳисобидан эса — 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутди. 2008 йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари қанча юқори суръатлар билан ривожланди. Сўнгги тўрт йил мобайнида йилига ўртача 50

---

<sup>10</sup> И.А. Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” 2009 йил март

фоиз ўсишни таъминлаётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 фоиздан 2008 йилда 45,3 фоизга ўсди”.<sup>11</sup>

Умуман, иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви шароитида хизмат курсатиш ва сервис соҳаси жараёнларни такомиллаштириш ва прогнозларини ишлаб чиқиш, уларнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган нуқсонларни аниқлаш ва бартараф қилиш йўналишларини кўрсатиб бериш, бу соҳада амалий таклифлар ишлаб чиқиш зарурати муҳим масала эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 45 та Ҳукуматлараро ва 48 та Идоралараро келишув ва шартномалар имзоланди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон Туристик Ташкилоти аъзоси бўлди, 1994 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида 20 дан ортиқ давлат иштирокида “Ипак йўли – мулоқотлар йўли” мавзусида “Ипак йўли”ни қайта тиклаш бўйича 1-Халқаро Форум ўтказилди. Форум якунида “Самарқанд” декларацияси қабул қилинди. 1995 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида биринчи “Буюк ипак йўли туризми” номли халқаро туристик ярмарка ўз ишини бошлади.

1997 йилнинг октябрь ойида Стамбул шаҳрида бўлиб ўтган 12-Бош ассамблеясида Ўзбекистон Бутунжаҳон туристик ташкилоти Ижроия Кенгашига сайланди, 1999 йилнинг апрель ойида Хива шаҳрида “Туризмни ривожлантиришда маданиятнинг роли” мавзусида халқаро конференция ўтказилиб, “Хива” декларацияси қабул қилинди. 2001 йилнинг ноябрь ойида Ипак йўлини қайта тиклаш ва туризмни ривожлантириш мақсадида “Бухоро” декларацияси қабул қилинди. 2004 йилда Бутунжаҳон Туристик Ташкилоти ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида БТТнинг “Буюк ипак йўли” офиси

---


<sup>11</sup> И.А. Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” 2009 йил март

очилди. 10 дан ортиқ хорижий давлатларда “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг ахборот марказлари ўз фаолиятини бошлади.

Туризм тизимининг ҳозирги ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, туризм ривожланишини ифодаловчи барча иқтисодий кўрсаткичларда ўсиш кузатилади. Бу эса тармоқни ислоҳ қилиш, унинг моддий-техника базасини таъмирлаш ва туристларга сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳисобланади. Республикамизда туризм соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижобий натижалари республикамизда туристлар оқимининг ошишида ўз аксини топмоқда.

## 2.1-расм

### Ўзбекистонда 2000-2008 йилларда туристларга хизмат кўрсатиш динамикаси, минг киши



Манба: “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси маълумотлари асосида тузилган

Шу билан бирга 2.1-расм маълумотлари Ўзбекистонда туристлар сонининг ўзгаришида аниқ бир тенденция кузатилмаётганлигидан далолат беради. Гарчи туристлар сони умуман ўсиш тенденциясига эга бўлаётган

бўлса-да, баъзи йилларда пасайиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Чунончи, 2000 йилда жами 770,2 минг нафар туристга хизмат кўрсатилган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 4,2 фоизга кўпайди ва 802,95 минг кишини ташкил этди. Аммо 2000 йилга нисбатан 2005 йилда туристлар сони 21 фоизга қисқарди. 2005 йилдан бошлаб эса хизмат кўрсатилган туристлар сони динамикасида муттасил ўсиш кузатилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, 2008 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатилган туристлар сони бўйича мустақиллик йилларидаги энг юқори кўрсаткичга эришилди ва бу 2007 йил кўрсаткичидан 7,7 фоизга кўп демакдир. 2009 йилда эса мамлакатимизда 916 минг турист қайд этилган.

Хизмат кўрсатилаётган туристлар сони динамикасида бундай нотекис тенденциянинг вужудга келиши бир қатор омиллар билан изоҳланади. Мамлакатимизда барқарор молиявий-иқтисодий ҳолатнинг шаклланмаганлиги, туризм инфратузилмасининг талаб даражасида эмаслиги, туристик расмиятчиликларни амалга оширишда бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги, кўшни мамлакатларда сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг қарор топмаганлиги ва бошқалар ана шулар жумласидандир.


Бундан ташқари хорижий мамлакатлар бозорларида Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар деярли мавжуд эмас. Меҳмонхоналардаги хизматлар сифати кўп ҳолларда унинг нархларига мувофиқ келмайди. Ўзбекистон бўйлаб турлар таклиф қилаётган хорижий операторлар мамлакатга кириш визаларини расмийлаштиришдан бошлаб кўплаб муаммоларга дуч келадилар. Улар элчихоналар ва консулликлардан зарурий ёрдамни ололмайдилар.

Ўзбекистонда визалар қиймати нисбатан қиммат. Республикаимизда туристик бизнес ва молиявий соҳа қонунчилигида юз бераётган тез-тез ўзгаришлар ҳам хорижий турфирмалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакат туристик бизнес соҳасида юзага келган вазиятга кадрлар малака ва касбий тайёргарлик даражасининг етарли эмаслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимизга ташриф буюрган жами туристлар сони 2000 йилда 552,8 минг кишидан 2008 йилда 657,83 минг кишигача, яъни қарийб 19 фоизга ўсган бўлса, хорижий туристлар сони 278 минг кишидан 377,45 минг кишига, яъни 35,8 фоизга кўпайган (2.2-расм).

## 2.1-диаграмма

### 2000-2008 йилларда Ўзбекистонга ташриф буюрган туристлар сони динамикаси, минг киши



Манба: “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси маълумотлари асосида тузилган

Бунинг натижасида мамлакатимизга ташриф буюраётган жами туристлар сонида хорижий туристлар улуши ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар 2000 йилда жами туристларнинг 50,3 фоизини хорижий туристлар ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 57,4 фоизга етган. Шунга мувофиқ равишда маҳаллий туристларнинг жами туристлардаги салмоғи таҳлил қилинаётган давр мобайнида 49,7 фоиздан 42,6 фоизгача пасайган. Умуман, 2000-2008 йиллар давомида маҳаллий туристлар сони 2 фоизга ўсган, холос. Ўзбекистонда туристларнинг ўртача

яшаш даври МДХ мамлакатлари бўйича 4-5 кунни, узоқ хориж мамлакатлари бўйича 3 кунни ташкил этади.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, республикамызда ички туризм ривожланишига етарли даражада эътибор қаратилмаяпти. Ваҳоланки, жаҳон бўйича жами туристик оқимнинг 80-90 фоизи ички туризм ҳиссасига тўғри келиб, ички туризмга сарфланадиган харажатларнинг халқаро туризмга сарфланадиган харажатлардан 5-10 марта юқорилиги кузатилади<sup>12</sup>. Бундай тенденциянинг вужудга келиши ички туризмни ташкил этишнинг нисбатан енгиллиги билан изоҳланади. Ички туризм халқаро туризмдан фарқли ўлароқ давлат чегараларини кесиб ўтишни тақозо этмайди ва шунга мувофиқ равишда қатор туристик расмиятчиликларга амал қилишни талаб қилмайди. Ички туризмда миллий валюта муомала воситаси сифатида сақланиб қолади, тил билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлмайди.

Шу муносабат билан республикамызда ички туризмни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим. Зеро, халқаро туризмнинг ривожланишида ички туризм катализатор ролини бажаради.

---

<sup>12</sup> Александрова А.Ю. Международный туризм. – М.: Аспект Пресс, 2001. – с.18

### **3-БОБ. Мамлакатни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда минтақавий туризмни ривожлантиришнинг истиқболлари.**

#### **3.1. Ўзбекистон минтақавий туризмни ривожлантириш имкониятлари ва шарт шароитлари.**

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш ва уни янги босқичларга кўтариш борасида, аввало кўхна маданий ва архитектура ёдгорликларига бой бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон каби шаҳарлар муҳим аҳамиятга эга. Бу шаҳарларда жаҳон аҳлини хайратга солувчи ва лол қолдирувчи қадимги тарихий ёдгорликлар беқиёс кўп. Ер юзининг турли мамлакатларида истиқомат қилувчи ҳар бир инсон бу шаҳарларни ўз кўзлари билан кўриш орзусида яшайдилар. Кўп мамлакатларда Ўзбекистон ўзининг ана шу шаҳарлари билан машҳурдир. Ўзбекистоннинг ана шу тарихий шаҳарларини бемалол «Шарқнинг жавоҳирлари» деб аташ мумкин.

Ўзбекистонда минтақавий туризмни ривожлантиришда вилоятлардаги имкониятларни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу имкониятларни қуйида кўриб чиқамиз.

#### **Тошкент**

Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири – Таълим, Фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилди.

Тошкент — Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳарларидан бири – Ўзбекистон Республикасининг пойтахтидир. Тошкент ҳақидаги энг дастлабки маълумотлар эрамиздан оддинги II асрдаги қадимги Хитой солномаларида учрайди, Хитойда у Юни деб номланган бўлса, Эрон шоҳи Шопур I нинг эрамиздан оддинги ёзувларида Тошкент атрофлари Чоч деб аталган. Чоч турли мамлакатларнинг олтин, қимматбаҳо тошлар, зираворлар ва ажойиб отлар экспорт қилинадиган йўллари чорраҳасида жойлашган.

Ҳозирги кунда Тошкент ўзида Ўзбекистоннинг тарихий ўтмишини эслатиб турувчи тараққий топган замонавий саноат шаҳри бўлиб, аҳолисининг сони турли меҳмонлари билан ҳисоблаганда 2 миллиондан ошиб кетган.

Тошкентда кўплаб музейлар мавжуд. Масалан, Тасвирий санъат музейи ҳайкаллар, расмлар ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг Марказий Осиёдаги энг йирик тўпламига эга. Ўзбекистон Амалий Санъат музейи 30 мингдан ортиқ ҳунармандчилик маҳсулотлари ва қимматбаҳо тақинчоқларга эга.

### **Самарқанд**

Самарқанд ўзининг ноз-неъматлари, табиати, бой маънавий мероси, бетакрор тарихи, оламшумул меъморий обидалари билан бутун дунё жамоатчилигининг диққат-эътиборини ўзига қаратиб келаётган «сайқали рўйи заминдир». Сўғдиёна ва Турон давлатларининг улуғвор анъаналари, дунёвий цивилизациянинг энг муҳим босқичлари «ер юзининг ёрқин нуқтаси» бўлган бу шаҳарнинг тарихи ва маданияти билан ўзвий боғлиқдир.

Самарқанд 2750 йиллик тарихга эга. Темурийлар сулоласи даврида солинган архитектура ёдгорликлари аҳамияти жиҳатидан қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва Римдаги архитектура дурдоналаридан сира ҳам қолишмайди.

Айни пайтда Самарқанд вилоятида 2010 йилгача туризмни ривожлантиришнинг минтақавий дастури қабул қилинган бўлиб, унда асосий тараққиёт босқичлари ва йўналишлари белгиланган. Ушбу дастурда минтақада ички ва халқаро туризмнинг барча тизимларини тубдан қайта қуриш ва ташкил қилиш тадбирлари белгиланган.

Самарқанднинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:

3.1-жадвал

№	Номланиши	Қурилган вақти
1	Афросиёб	эрамиздан олдинги VIII аср
2	Мирзо Улуғбек расадхонаси	1428—1429

		йиллар
3	Шохи Зинда архитектура мажмуаси	XV аср ўрталари
4	Ҳазрати Ҳизр масжиди	XIX аср урталари
5	Бибихоним масжиди	1399— 1404 йиллар
6	Улуғбек мадрасаси	1417— 1420 йиллар
7	Шердор мадрасаси	1619-1635 йиллар
8	Тиллакори мадрасаси	1647- 1659-60 йиллар
9	Чорсу бозори	XVIII аср охири
10	Рухобод мақбараси	1380 —йиллар
11	Оксарой мақбараси	1470 йиллар
12	Гўри Амир мақбараси	1404 йиллар
13	Намозгоҳ масжиди	XVII аср
14	Ишратхона мақбараси	1464 йиллар
15	Хожа Ахрор мажмуаси	XV-XX асрлар
16	Мавзолей Чупон-Ота мақбараси	1430-1440 йиллар
17	Хожа Абду Дарун қабристони	XV—XIX асрлар

## Бухоро

"Бухоро" сўзи санскрит тилида «Ибодатхона», Суғд тилида «Тангри жамоли» маъноларни англатади. Бухоро Буюк Ипак Йўлининг йирик тижорат маркази бўлиб ҳисобланган. Бухоро — Ўрта асрларга мансуб 140 дан ортиқ архитектура ёдгорликларига эга бўлган «Музей —шаҳардир». Пойи Калон, Қўшмадраса, Минораи Калон, Исмоил Сомоний мақбараси каби кўплаб ёдгорликлар бундан минг йиллар олдин қурилган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам меҳмонларни ўзларига жалб этмоқда. Бухоронинг машҳурлигини Ал—Бухорий, Наршахий, Рудакий, Дақиқий, Абу Али ибн Сино ва Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймолар янада орттириб юборишган. Ислом дунёсида Бухоронинг исмига Шариф, яъни Мукаддас кўшимчаси кўшиб ишлатилган.

3.2-жадвал

Бухоронинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:

№	Номланиши	Қурилган вақти
1	Арк	(XI —XX асрлар),

2	Боло —Ховуз мажмуаси	XVIII-XX асрлар
3	Исмоил Сомоний мақбараси	IX—X асрлар
4	Чашмаи-Аюб	1380 ёки 1384-85 йил
5	Абдуллахон мадрасаси	1596-98 йиллар
6	Модари —Хон мадрасаси	1556-57 йиллар
7	Масжиди Баланд	XVI аср бошлари
8	Гавкушон мажмуаси (масжид, минора, Мадраса)	XVI аср
9	Зайниддин Хожи хонақоси	1555 йил
10	Пойи —Калон мажмуаси	XII —XIV асрлар
11	Лаби —Ховуз мажмуаси	XVI —XVII асрлар
12	Кўкалдош мадрасаси	1568-69 йил
13	Нодир Девонбеги хонақоси	1620 йил
14	Улуғбек мадрасаси	1417 йил
15	Абдулазизхон мадрасаси	1652 йил
16	Болоховуз масжиди	1712 йил
17	Сайфиддин Бохарзий мақбараси	XIII асрнинг иккинчи ярми - XIVаср
18	Баёнкулихон мақбараси	XIV асрнинг иккинчи ярми, XV ёки XVI асрла
19	Намозгоҳ масжиди	XII—XVI асрлар
20	Файзобод хонақоси	1598-99 йиллар
21	Чорминор мадрасаси	1807 йил
22	Бухоро Амирининг Ситораи Моҳи—хоса ёзги саройи	XIX аср охири XX аср бошлари
23	Чор -Бакр мажмуаси -Жўйбор хўжалари мазори	1560 – 63 йиллар

## Хива

Хива кўплаб архитектура ёдгорликлари жойлашган Ичан — қалъада қадимий шарқ руhini сақлаб қолган. Хиванинг архитектура ёдгорликлари асосан мадраса, масжид ва миноралар, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси (1835 йил), Муҳаммад Аминхон мадрасаси (1850—1855 йиллар), Кўна Арк, Тош Ҳовли, Оллоқулихон карвонсаройи (1855 йил) кабилардан иборат. Рангли безаклар берилган Калта Минор (1835 йил) ва 218 та нақшли устунга эга бўлган Жума масжидларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. 2,5 километр

узунликдаги деворга эга бўлган Ичанқалъа, Отадарвоза, Шимолий, Шарқий, Жанубий, Бухоро ва Тошдарвозаларига эга. Унда 40 та кудуқ бор.

Хиванинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:

1. Ичан-қалъа, Саидбой масжиди ва мадрасаси (XVIII аср боши - XIX аср боши),
2. Полвон Дарвоза атрофлари,
3. Оллоқулихон мадрасаси (1834 F 35),
4. Қутлуғмурод-иноқ; мадрасаси (1804 F 12),
5. Оллоқулихон Тими ва Карвонсаройи (XIX аср),
6. Абдуллахон мадрасаси (1865),
7. Анушхон масжиди ва харами (1657),
8. Тошховли (Оллоқулихоннинг саройи) (1830 F 36),
9. Оқмасжид (1832 F 42),
10. Жума масжиди ва минораси (1788 F 89),
11. Саид Оловуддин мақбараси (XIV аср),
12. Мухдммад Аминхон мадрасаси (1851 F 52),
13. Муҳаммад Аминхон мадрасаси (1871),
14. Калтаминор (1855),
15. Кўна Арк (1868 F 88),
16. Тўрамурод минораси (1888),
17. Шерниёзхон мадрасаси (1718 F 20),
18. Борланди масжиди (XIX аср),
19. Арабхона мадрасаси (1838).

### **Шаҳрисабз**

Боғлар ва узумзорларга бурканган Шаҳрисабз шаҳри хунармандчилик маркази бўлган. Шаҳрисабздаги дастлабки турар жойларга V— VI асрларда асос солинган бўлса, IX-X асрларга келиб у йирик савдо ва хунармандчилик марказига айланган. Амир Темур томонидан девор билан ўралганидан сўнг у маданият ва илм-фан шаҳрига айланган.

Шаҳрисабзнинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:

1. Оксарой (1380-1404 йиллар),
2. Дорус — Саодат мажмуаси (XIV аср) ,
3. Хазрати Имом масжиди (XIV аср),
4. Жаҳонгир мақбараси (XIV аср),
5. Дор-ут-Тиловат архитектура мажмуаси,
6. Кук Гумбаз масжиди (1435 и.)
7. Гумбази Саидон (XV—XVII асрлар)
8. Шамсиддин Кулол мақбараси (XV аср)

### **Сурхондарё**

Термизнинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:

1. Қирк қиз саройи (IX-XIV асрлар),
2. Термиз ҳукмдорлари саройи (XX — XII асрлар),
3. Ҳаким ат Термизий архитектура мажмуаси (X — XV асрлар),
4. Султон - Саодат архитектура мажмуаси (X — XIII асрлар),
5. Қоратепа ибодатхонаси (II — IV асрлар),
6. Фаёзтепа ибодатхонаси (I — III асрлар)

### **Фарғона**

Фарғона шаҳри Фарғона вилоятининг жанубида жойлашган. Фарғона вилоятига қуруқ мўътадил иқлим, илиқ ёз, унчалик совуқ бўлмаган қиш хосдир. Вилоят ўсимлик дунёси, ўрмонлар ва ниҳоятда манзарали тоғларга бой.

Фарғона шаҳри водийдаги энг йирик саноат марказларидан бири. Шаҳарга юз йилдан олдин Янги

Фарғона водийсининг асосий тарихий ва меъморчилик ёдгорликлари:

1. Худоёрхон саройи (1870),
2. Риштлик масжиди (1913),
3. Жомеъ масжиди ва минораси (1809— 1812),
4. Мулқобод масжиди (1913) ,
5. Саида Аҳмадхожи мадрасаси (XIX аср бошлари),
6. Чоқар масжиди (1911)

7. Хужа Магиз мақбараси (XVIII аср),
8. Мулло Диргиз мадрасаси (XX аср
9. бошлари),
10. Ахсикент қадимий шаҳарчаси (эрамиздан аввалги II-I асрлар).

Минтақавий туризмни келгусидаги ривожланиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги маъмурий чегараларни ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатаётган тўртта: Фарғона, Тошкент, Самарқанд-Бухоро, Хоразм ва келажакда режалаштирилаётган Жиззах, Қарши-Термиз, Ўрта-Қорақалпоқ туризм районларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Фарғона туризм райони** республиканинг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларини қамраб олувчи шарқий қисмида жойлашган. Табиий-иқлимий шароитларнинг турли-туманлиги кўплаб туризм объектлари билан биргаликда бу минтақадан ўқув-соғломлаштириш туризмни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш имкониятини беради. Археологик ва меъморчилик ёдгорликлар, саноат комплекслари ва халқ хунармандчилиги Фарғона ҳудудида туризм комплексини шакллантирувчи асосий туризм объектларидир. Туманда Сух дарёси ёқасидаги Сарикурғонда, Ойдинкўл кўлида, Андижоннинг жанубий-шарқида «Боғишамол», Каркидон сув омборида табиий дам олиш ҳудудлари ташкил қилинган. Ҳолатда қулай табиий имкониятлар, дарёлар, кўллар ва сув омборларининг кўплиги тоғ-иқлим шароитлари билан биргаликда туманни катта майдондаги ягона туризм ҳудудига айлантиради.

Фарғона туманидан туризм мақсадларида фойдаланишга темир ва автомобил йўлларининг кенг тармоғи мавжудлиги яна бир қулайлик туғдиради ва бу туманнинг ҳамма жойида туризм ва дам олиш базаларини жойлаштиришга имкон беради.

**Тошкент туризм райони** Тошкент вилоятини қамраб олади. Бу туман туризмнинг барча турлари учун универсал имкониятларга эгадир. Тошкент туризм районининг диққатга сазовор бўлишидаги муҳим омили унинг бой ландшафтли табиати, ранг-баранг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсидир.

Тумандаги Туябуғиз ва Чорвоқ сув омборларида дам олиш ҳудудлари ташкил этилган. «Чимён» комплекси базасида тоғ-пиёда ва тоғ-чанги туризми етарли ривожланган. Яхши тармоқланган автомобил ва темир йўллари Тошкент туризм районининг туризм марказларини бир-бири билан боғлайди ва шаҳар атрофидаги темир йўл ва автомобил туризмнинг ривожланишига имкон яратади.

**Самарқанд-Бухоро туризм райони.** Самарқанд, Бухоро ва қисман Навоий вилоятлари ҳудудини ўз ичига олади. Бу туманда туризмнинг ривожланиши Самарқанд ва Бухоронинг бутун дунёга машҳур меъморчилик обидалари асосланган. Чўлнинг иссиқ иқлимини ҳисобга олган ҳолда ягона бош режа асосида бунёд этилган Навоий шаҳри ҳам таълимий аҳамиятга эга. Туманнинг географик жойлашуви туризмни ривожлантириш учун жуда қулайдир. Зарафшон дарёси бўйлаб ўтказилган темир йўл, кенг ривожланган шоссе йўллари тармоғи, Зарафшон орқали унчалик баланд бўлмаган довонлар ва яхши суқмоқларнинг мавжудлиги тумандан туризм мақсадларида фойдаланишни ғоятда осонлаштиради.

**Хоразм туризм райони.** Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий қисмида, Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, Хоразм вилоятининг ҳудудини эгаллаган. Тумандан туризм мақсадларида фойдаланиш асосан Ичанқалъа меъморчилик кўриқхонасида жойлашган Хива тарихий-меъморчилик ёдгорликларига асосланади. Кўплаб тарихий маданий ёдгорликлари бутун район бўйлаб жойлашган. Хивадан жануби-шарқ томонда Шўркўл кўли бор. Райондаги тараққий этган алоқа йўллари тизими келажакда бу ерда район ва районлараро аҳамиятга эга бўлган турли хил туризм маршрутларини ўрнатишга имкон беради.

**Жиззах туризм райони.** Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудларини ўз ичига олади. Мазкур районнинг транспорт билан яхши таъминланганлиги ва унда табиий ресурсларининг мавжудлиги ундан туризм мақсадларида фойдаланиш истиқболларини белгилаб беради. Бу ерда шу ерлик ва яқинда

жойлашган туризм районлари аҳолиси учун мўлжалланган дам олиш кунлари маршрутларини ва қисқа муддатли дам олишни ташкил қилиш мумкин.

**Қарши-Термиз туризм райони** Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларидан иборат. Шаҳрисабз, Қарши ва Термиз шаҳарларидаги археологик ва тарихий-археологик ёдгорликлар, Китобдаги астрономик кенглик, Дендропарк районида туризмни ривожлантиришнинг асосини ташкил қилади. Қашқадарё, Сурхондарё, амударё қирғоқларида, Чимқўрғон, Пачкамар ва Жанубий Сурхондарё сув омборларида туризм ва дам олиш масканларини яратишнинг истиқболлари бор. Хисор тоғ тизмаси ёнбағирларида тоғ туризми базаларини жойлаштириш мумкин.

Келгусида Ўзбекистоннинг яна бир Ўрта Қорақалпоқ районини ҳам ўзлаштириш мумкин. Бу ҳудудни ўзлаштириш коммуникациялар қуриш учун катта капитал маблағларни, катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишларини талаб қилади. Бу ерда Тупроққалъа, Бургутқалъа, Гилдурсун қалъалари, Қиёт шаҳри каби экскурсия объектлари жойлашган. Бу археологик ёдгорликлар қадимги Хоразм цивилизациясига оид бўлиб, таълимий туризм ресурслари сифатида тарихий-меъморчилик аҳамиятига эга бўлган Хоразм туризм райони билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу ёдгорликлар мажмуасига бориш учун бу ҳудудда яхши транспорт йўллари мавжудлиги уларни Хоразм районининг туризм ресурсларига киритилишини тақозо қилади.

### **3.2. Минтақавий туризмни ривожлантиришда Хоразм вилояти ва унинг имкониятлари.**

Хоразм вилоятида туризм соҳаси республикада энг ривожланган вилоятлардан биридир. Ушбу вилоятда туризмни ривожланиши ўзига хос жихатларга эга бўлиб, соҳани янада ривожлантириш учун етарлича имконият ва салоҳиятларга эга. Қуйида тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосланиб туризм соҳаси учун яратилган шароитларни кўриб чиқамиз.

**Урганч халқаро аэропорти.** Хорижий ва маҳаллий туристларни турли русумдаги самолётларда қабул қила олади. Учиш зали 2 қаватли бинодан иборат бўлиб жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган 170 ўриндиқли кузатиш зали, барча қулайликларга эга ва барча хизматлар ташкил этилган. Биринчи қаватда 6 та рўйхатдан ўтказиш устунлари, паспорт назорати хизматлари ва божхона назорати хизматлари мавжуд бўлиб туристларга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча қулайликларга эга. Жумладан: 17 та юк ташиш аравачаси, валюта айирбошлаш шаҳобчаси, медицина хизматлари кўрсатиш шаҳобчаси, ногиронларга мўлжалланган ҳожатхона, реклама таблолари, авиарейслар жадвали, ягона ахборот хизмати тизими, авиачипталар сотиш ва маълумот бериш устунлари мавжуд.

**Урганч халқаро аэропорти фаолиятини такомиллаштириш ва сифатли хизматлар кўрсатиш учун таклифларни келтириш мумкин:**

- Кутиб олиш залида атиги 15 ўринга мўлжалланган ўриндиқлар, 2 та чегара назорати устунлари ва декларация тўлдириш устунлари 1та валюта айирбошлаш шаҳобчаси мавжудлигини аниқланди ва кутиб олиш залини кенгаштириш, чегара ва назорат устунларини 6 тагача етказиш мақсадга мувофиқдир;
- Ички рейсларда кутиб олиш зали хизматларидан фойдаланилмайди. Кутиб олиш залини янада кенгайтириш ва учуш зали инфратузилмаси даражасига етказиш мақсадга мувофиқдир;
- Халқаро чартер сайёҳлик авиарейслари тармоғини кенгайтириш;
- Аэропорт олдида, автоуловларни тўхтаб туриш жойларида аэропортгача бўлган жойларда етарли даражада ёритиш ва бино устидаги “Урганч халқаро аэропорти” таблосини ёритиш (рейслар амалга оширилаётган вақтда);
- Урганч аэропортида чартер сафарларини амалга ошираётганида, аэропорт хизматларидан фойдаланаётган чет эл авиакомпанияларининг ижара, ёқилғи ва бошқа хизматлари учун тўғридан тўғри валютада қабул қилишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

**Хоразм вилоятидаги темир йўл вокзаллари.** Хоразм вилоятида 4 та темир йўл вокзали мавжуд бўлиб, Урганч, Шовот, Хазарасп, Питнак темир йўл вокзалларидир. Урганч темир йўл вокзалида хорижий туристларга хизмат кўрсатилади. Вокзалда қуйидаги инфратузилмалар мавжуд: 1 та валюта айирбошлаш шаҳобчаси, дам олиш хонаси, чипталарни сотиш ва маълумот бериш устунлари, вокзалда темир йўл поездларининг ҳаракатининг олти ойлик жадвали ва ягона ахборот тизими мавжуд.

**Вокзалнинг инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир ва қуйидаги таклифлар тавсия этилади:**

- Автоуловлар тўхтайдиган маҳсус жойларни ташкил қилиш;
- Вокзал ичида реклама, мамлакатимиз туристик масканларини акс эттирувчи шитлар ва мониторларни ўрнатиш;
- Валюта айирбошлаш шаҳобчасида етарли даражада нақд пул маблағлари билан таъминлаш ва банк терминалларини ўрнатиш;
- Юк ташиш аравачалари сонини кўпайтириш;
- Вокзал ичида интернет тармоғини йўлга қўйиш;
- Урганч-Бухоро-Урганч ва Самарқанда-Урганч-Самарқанд йўналишлари бўйича туристик тезювар поездлари маршрутларини ташкил қилиш (туристик мавсумларда);
- Вокзал ичида совутгич ва иситгичларни ўрнатиш;
- Вокзалда санитария гигиена қоидаларига риоя қилиш ва хожатхоналар ҳолатини яхшилаш;

**Хоразм вилоятида Давлат чегарасидан ўтиш пунктлари инфратузилмаси ҳолати.** Халқаро мақомга эга Давлат чегарасидан ўтиш пункти Шовот туманидаги Шовот халқаро божхона пости мавжуд. Божхона назорати пункти соат 9:00 дан 18:00 фаолият юритади. Божхона назорати пунктида фақатгина Niemann (эски) русумли назорат аппарати мавжуд. Кириш ва чиқишни назорат қилиш учун алоҳида 1 тадан божхона пункти ва 1тадан паспорт назорати амалга ошириладиган, компьютерлаштирилган терминали мавжуд. Давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктлари орқали

келаётган сайёҳлар учун чегара ҳудудларида виза олиш, транспорт хизмати ва қўшимча хизматлар кўрсатиш имкониятлари мавжуд эмас.

**Давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктларидаги жаҳон андозаларига мос туристик хизмат кўрсатиш мақсадида қуйидаги таклифлар тавсия этилади:**

- Давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктларида хожатхона муаммолари мавжуд, туристларни дам олиш хонасини ташкил этиш, уларга савдо ва умумий овқатланиш хизматларини ташкил этиш, мамлакатимизнинг туристик салоҳияти акс эттирилган ташқи реклама шитларини ташкил этиш ва “Ўзбекистонга хуш келибсиз” ёзувларини чегара ва божхона назорати постидан ўтгандан сўнг ёзиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир;

- Давлат чегараси, божхона назорати пунктларини замонавий техник воситалари билан жиҳозланса, хизмат кўрсатиш суръати ва сифати ошишига олиб келади;

- Чегара пунктларида виза олишни ташкил этиш лозим, ўшанда туристик оқим ижобий томонга ўзгаради;

- Пуллик хизмат кўрсатувчи транспорт хизматларини ташкил этиш;

- Юк ташиш аравачалари ва уларга мос равишда йўлакчалар ташкил этиш лозим;

- Туристларни кутиб олувчи фирмаларнинг вакилларига божхона назоратигача бўлган ҳудудга рухсатнома берилса мақсадга мувофиқ бўларди;

- Туристик мавсумларда валюта айирбошлаш шахобчаларини ташкил этиш лозим;

- Санитария гигиена қоидаларига риоя қилиш (био хожатхоналарни ўрнатиш)

- Божхона назорати пунктида узлуксиз электр энергияси ва сув таъминотини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Хоразм вилоятининг туристик маршрутлар йўли ва йўл бўйи инфратузилмалари.** Хоразм вилоятида халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўли А-380 "Гуздор-Нукус-Кунгирот-Бейнеу" 439-552км.лари Хоразм вилояти ҳудуди ҳисобига киради. Ушбу йўлнинг 439-520км реконструкция ишлари олиб борилган, 520-553км.ларини реконструкция ишларини ПК-1041 асосан тупроқ ишлари бажарилиб 2010 йилда реконструкция ишлари тўлиқ якунланиши мўлжалланган. 2008 йилда 4р158 "Урганч – Хива" автомобиль йўлининг 0-25км.ларида тўлиқ таъмирлаш ишлари бажарилиб, йўлнинг икки томони ёриткичлар билан тўлиқ жиҳозланди. 4р162 "Урганч айланма йўли" 0-5км.лари тўлиқ таъмирланиб янгидан асфальтобетон қопламаси ётқизилди ва йўл ёриткичлар билан тўлиқ жиҳозланди. 4р156 "Урганч-Хонқа-Хазорасп-Туркманистон чегараси" автомобиль йўлининг 41-62км.ларида ўрта таъмирлаш ишлари бажарилган, 2009 йилга 30-41км, 62-68км.ларида таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

**Туристик маршрутлар йўли ва йўл бўйи инфратузилмаларини яратиш бўйича қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:**

- 4р 163 автомобиль йўлининг Боғот туманидан Хива шаҳригача бўлган қисмини таъмирлаш, 4р156 "Урганч-Хазорасп-Амударё" автомобиль йўлини Амударё кўприги орқали ўтиб А-380 халқаро йўлигача таъмирлаш (0-88км), шу йўналишлардаги кўприкларни, автобус бекатларини ҳамда йўлакларини таъмирлаш. 4р161 "Урганч-Чолиш" автйўлининг таъмирлаш (0-13км).

- 4р 163 автомобиль йўлининг Боғот туманидан Хива шаҳригача бўлган қисмини таъмирлаш, 4р156 "Урганч-Хазорасп-Амударё" автомобиль йўлини Амударё кўприги орқали ўтиб А-380 халқаро йўлигача таъмирлаш (0-88км), шу йўналишлардаги кўприкларни, автобус бекатларини ҳамда йўлакларини таъмирлаш. 4р161 "Урганч-Чолиш" автйўлининг таъмирлаш (0-13км).

- А-380 а/йўлининг 490км Саримой аҳоли пунктида 1 дона, Хазорасп туманидаги Амударё темир йўл кўпригидан ўтган жойга 1 дона,

4р158 "Урганч-Хива" йўлининг Хива тумани ҳудудига 2 дона кемпинг қуриш. Жами 4 дона 4р 161 "Урганч -Чолиш" йўлини Урганч тумани ҳудуди ва 4р156 "Урганч-Хазорасп-Амударё" автойўлини Боғот тумани ҳудудида кемпинг сифатида қурилган, кейинчалик хусусийлашган кемпинглари ўз фаолияти бўйича ишлашини таъминлаш.

- Йўл бўйи бошқа инфратузилмаларни (ёқилғи қуйиш шаҳобчалари, транспорт тўхташ жойларини, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, алоқа воситалари)ни бошқа давлат ташкилотлари ва хусусий корхоналар томонидан қуриш ва фойдаланиш.

- Туристлик йўналишдаги йўлларда таъмирлаш давомида таблолар, йўналиш кўрсаткич жиҳозлари, йўл белгилари ва қўшимча таблоларни янгидан ўрнатиш;

- Бухоро-Урганч автотрассасини жаҳон стандартлари мос равишда таъмирлаш ва барча йўл инфратузилмасини ташкил қилиш;

- Туристлик маршрутларда сайёҳларнинг овқатланиши санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган, сифати ва сертификати бўлган озиқ-овқатлар билан таъминланган овқатланиш объектларида ташкил этиш.

**Вилоятдаги меҳмонхона хўжаликлари, дам олиш зоналари ва сиаҳатгоҳларнинг моддий-техник базаси.** Ҳозирги кунда Хоразм вилоятида туризм соҳасида фаолият кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган меҳмонхона хўжаликлари сони 17 тани ташкил этади. Шундан, 1 таси туристик фирма («Бек-тур»), қолган 16 таси меҳмонхона хўжаликлари ҳисобланади. Мазкур меҳмонхоналар туристларга тунаш ва овқатланиш хизматларини тақдим этишади. Вилоятнинг Урганч ҳудудида 3 таси жойлашган бўлиб, шундан «Узолмонхотелз» қўшма корхонасининг «Хоразм-Палас» меҳмонхонаси ҳамда «Урганч Эл-Тур» МЧЖ«Наврўз» меҳмонханалари фаолият юритмоқда, «Жайхун» меҳмонхонаси ҳозирда таъмирдан чиқарилмоқда. Хива ҳудудида 14 та меҳмонхона жойлашган. Уларнинг аксариятига 3 ва 4 юлдузли мақом берилган. Шу билан бирга ҳудудда меҳмонхона

хўжаликларида хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклифлар инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўларди;

- меҳмонхоналарда хизмат кўрсатувчи ходимларни ишга қабул қилишда уларнинг хорижий тилларни билиш даражасига эътиборни қаратиш;

- меҳмонхоналарни электр энергия, сув, газ таъминотлари билан узилиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда чора тадбирларни йўлга қўйиш;

- меҳмонхона хўжаликларида туристларнинг мароқли дам олишлари учун қўшимча хизматларни йўлга қўйиш (концерт, учрашув ва ҳ.к.);

- меҳмонхоналарда туристларга қулайлик яратиш мақсадида бир қатор валюта алмаштириш пунктларини очиш (VISA, MASTER CARD ва ҳ.к.);

- меҳмонхоналарга лизинг ёки имтиёзли кредитлар ажратган ҳолда замонавий транспорт воситалари билан таъминлаш;

- ходимлар малакасини ошириш мақсадида Тошкент ёки Самарқанд шаҳридаги замонавий меҳмонхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- меҳмонхоналарда кимёвий тозалаш пунктларини очиш;

- жаҳон андозаларига мос равишда автоматлаштирилган бронлаштириш тизимини жорий этиш;

- меҳмонхоналарда туристлар учун интернет тизимидан фойдаланиш тизимини жорий этиш;

- хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда Хива шаҳрида янги замонавий меҳмонхоналарни ташкил этиш;

- объект тўғрисида реклама маҳсулотларини ташкил этиш ва ҳ.к.

### **3.3. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш шарт-шароитлари ва истиқболлари.**

Ҳозирги кунда Хоразм вилояти бўйича архитектура, археологик ва меъморил экскурсия объектлари сони 209 тани ташкил этгани ҳолда, шундан 53 та маданий мерос объектлари Хива «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонаси ҳудудида жойлашган. Қолган объектлар вилоятнинг турли туманларида жойлашган. Бу эса вилоятда туризмни ривожлантириш потенциали, унинг имкониятлари кенглигидан далолат беради. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда вилоятда жойлашган айрим туристик объектлар таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Баъзи объектлар туристик йўналишлар дастурига киритилмаган. Таъмирталаб аҳволдаги объектларни таъмирдан чиқариб, туристик йўналишлар дастурига киритилса вилоятга туристлар оқимни кўпайтириш имконияти юзага келади. Бу билан қўшимча валюта тушимига эришилади, маҳаллий аҳоли вакилларининг иш билан таъминланиш имконияти юзага келади. Бунинг учун вилоятда туризмни ривожлантириш борасида ҳудудда жойлашган маданий мерос объектлар бўйича қуйидаги таклифлар инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўлар эди;

- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Мусо Тўра мадрасасини таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Анушахон ҳаммомини жорий таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Оқ масчитни таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Ота Мурод Қушбеги масчити (таъмирталаб даражада) таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган “Тугони Турк” мақбарасини таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Амир Тўра мадрасасини таъмирлаш;

- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасасини (таъмирталаб даражада) таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Юсуф Ясовул боши мадрасаси қониқарли ҳолатда бўлсада таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Полвон дарвозасини (таъмирталаб даражада) таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Тош дарвозасини (таъмирталаб даражада) таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонаси да жойлашган Отожонбой мадрасаси таъмирталаб даражада;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонаси ичкарасидаги атроф-муҳитни тозалаш, чиқиндиларни бартараф қилиш шароитларини яратиш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонаси ичкарасини кечки ёритиш ускуналари билан таъминлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонаси худудида жойлашган хонадонлар эгалари томонидан уй атрофларини замонавий жиҳозлардан (Дераза, эшик ва ҳ.к.) фойдаланилиши;
- «Дишон-Калъа»ни асл ҳолатда сақлаб қолиш;
- Хива туманидаги Нуруллабой мадрасаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга санитария-гигиена жойларини янгидан ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Хон дорихонаси ва Хон касалхонаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Мамат Марам мадрасаси ва минораси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Тўрт Шоввоз мажмуаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Шох Қаландар бобо мажмуаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Бикажон бика мадрасаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Саид Муҳаммадхон мадрасаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Хоразмшоҳлар мадрасаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни зудлик билан таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Хива туманидаги Боғишамол-Оллоқулихон боғи таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни зудлик билан таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Хива туманидаги Ислом хўжа қароргоҳи ўта таъмирталаб даражада, уни сайёҳлик йўналишига киритиш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш;

- Хива туманидаги “Чодира” ҳовли таъмирталаб даражада, уни сайёҳлик йўналишига киритиш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш;

- Хива шаҳридаги Хазарасп дарвозаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш, автотранспорт воситалари учун

ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Хударган Девонов уйи таъмирталаб даражада, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Аваз Ўтар уй музейи таъмирталаб даражада, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Шохимардон мажмуаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлаклар ташкил этиш, қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари яратиш ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Матвафо карвонбоши савдо уйи таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлаклар ташкил этиш, қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари яратиш ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;

- Урганч шаҳридаги Урганч суратлар галериясини сайёҳлик йўналишига киритиш, атрофини кўкаламзорлаштириш, бино пештоқини таъмирлаш, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Урганч туманидаги “Олажа ҳовли”ни сайёҳлик йўналишига киритиш, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойларини тартибга келтириш;

- Хазарасп туманидаги “Хазарасп қалъа” деворини сайёҳлик йўналишига киритиш, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ

жойларини тартибга келтириш, бино атрофларини маиший чиқиндилардан тозалаш;

- Янгиариқ туманидаги “Шайхмухторвали” зиёратгоҳини сайёҳлик йўналишига киритиш, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, жорий таъмирлаш;

- Боғот туманидаги “Қалъажик қалъа” (Довуд қалъа) сайёҳлик йўналишига киритиш, шу билан бирга мавсумий қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, санитария-гигиена жойларини ташкил этиш (хожатхона йўқ);

Шунингдек, миллий ва тарихий меросларимизни келажак авлодга етказиш, уларнинг асл ҳолатини сақлаб қолиш, таъмирга муҳтож объектларларни қайтадан ўз ҳолатига келтириш мақсадида малакатимиз раҳбарлари томонидан бир қанча амалий ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан Хива шаҳрида жойлашган, тарихий аҳамиятга эга бўлган обидалардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланмоқда. Жумладан:

- 1 асрдан кўпроқ тарихга эга бўлган Матниёз Девонбеги мадрасаси ичида “Ориент-Стар Хива” МЧЖга қарашли ресторан фаолиятини олиб бориши;

- 1851-1853 йилларда қурилган Муҳаммад Аминхон мадрасасидан меҳмонхона сифатида фойдаланиш;

- 1834-1835 йилларда қурилган Оллоқулихон мадрасасидан ресторан сифатида фойдаланиш;

- Хўжамбердибой мадрасаси ҳовли томони ёпилган ҳамда ундан ресторан сифатида фойдаланиш ҳолатларининг мавжудлиги ачинарли ҳолдир. Ушбу объектлардан фойдаланишда хорижий сармоядорларни жалб қилиб, тендер ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу объектларнинг сан-узелларидан нотўғри фойдаланиш кечирилмас оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда Хоразм вилоятида жами 24 та гид-таржимон сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Шундан 2 таси олий даражали, 6 таси биринчи даражали ва 16 таси иккинчи даражали ҳамроҳ таржимонлардир. Вилоятда жойлашган объектлар ва музейларда экскурсия олиб бориш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз гид-таржимонларнинг экскурсия ўтказишга рухсат берилмайди. Гид-таржимонлар ва экскурсоводлар учун сертификатлар «Ўзбектуризм»МКси Республика туризм ва экскурсия хизмати Консалтинг Маркази томонидан берилади. Малакали тажрибага ва сертификатга эга бўлган гид-таржимонлар 2 йилда бир марта 7-14 кунлик махсус курсларда малака оширади ва аттестациядан ўтказилади.

Туристтик корхоналар томонидан ишлаб чиқилган сайёҳлик йўналишлари ва ҳамроҳ-таржимонлар, экскурсия олиб боровчилар учун туристик йўналишлар бўйича бериладиган маълумотлар «Ўзбектуризм»МКси Республика туризм ва экскурсия хизмати Консалтинг Маркази томонидан тайёрланади. Ҳозирги кунда ҳудудда туристларга хизмат кўрсатувчи ҳамроҳ-таржимонлар ва экскурсия олиб боровчилар учун ягона мавсумий либос (униформа) мавжуд эмас.

Ҳудудга ташриф буюрадиган хорижий меҳмонлар ва сайёҳларга хизмат кўрсатиладиган транспорт воситаси ҳайдовчиларини махсус тайёрлов курслари мавжуд эмас. Меҳмонхоналардаги махсус хизмат мутахассислари (меҳмонхона маъмури, официант, бармен, швейцар-дасёр, қават ва хоналар бекаси, фаррошлар) ишларининг сифати қониқарли даражада йўлга қўйилган. Шу билан бирга ҳудудда экскурсия жараёнини олиб бориш учун малакали кадрларни тайёрлашда қуйидаги таклифлар инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўларди;

- ҳозирда Осиё мамлакатларидан келаётган туристларнинг кўплигини инобатга олган ҳолда Япон, Италиян, Хитой, Корейс ва Испан тилларида экскурсия берадиган гид-таржимонларнинг етишмаслиги бироз қийинчилик туғдирмоқда, шу сабабли ҳудудда яна 20 та олий маълумотли гид-таржимонга эҳтиёж мавжуд;



- ҳудуддаги мутасадди ташкилотлар билан келишилган ҳолда хорижий меҳмонлар ва сайёҳларга хизмат кўрсатиладиган транспорт воситалари ҳайдовчиларини махсус тайёрлов курсларини ташкил қилиш, ҳар куни маршрутга чиқадиган ҳайдовчиларни кўриқдан ўтказиш тартибини жорий қилиш зарур;

- вилоятнинг туризм соҳасида меҳнат қилаётган ходимлар ва мутахассисларни чет элларда ва халқаро ташкилотларнинг гранти орқали ўқитиш, тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- ходимларнинг иш самарадорлигини оширишлари учун хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳрида жойлашган меҳмонхоналарга хизмат сафарлари уюштириш орқали малакаларини ошириш мақсадга мувофиқ

**Вилоятда реклама таъминоти ва ёдгорлик буюмлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш.** Хоразм вилоятида реклама фаолияти билан шуғулланадиган бир қанча ташқи реклама маҳсулотларини босмадан чиқарадиган хусусий корхоналар мавжуд. Уларда асосан туристик фирмалар, меҳмонхоналар ўз туристик маҳсулотларини буклетлар, брошюралар, каталоглар, хариталар, плакатлар, китоблар ва бошқалар. Реклама маҳсулотлари ўзбек, рус, инглиз, немис, япон, корейс ва бошқа тилларда chop этилган. Ишлаб чиқарилаётган реклама маҳсулотларида ягона миллий «UZBEKISTAN» туристик брендидан фойдаланиш суст олиб борилмоқда.

Хоразм вилоятида халқ ҳунармандчили кенг йўлга қўйилган жумладан, «Хунарманд» уюшмаси Хоразм вилоят бўлими томонидан. Хоразмда 11 та «УСТО-ШОГИРД» мактаблари ташкил этилиб, 47 та шогирдлар мавжуд. Маҳаллий маҳсулотлардан: гужум, терак, сада, тут, туранги дарахтларидан замонавий мебеллар ишлаб чиқарилмоқда.

**Вилоятда сайёҳларга медицина хизмати кўрсатилиши ва хавфсизликнинг таъминланиши.** Сайёҳларга медицина хизматларини ташкил қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим масалалардан биридир. Туристтик объектларда асосан Хива шаҳридаги “Ичан

Қалъа” давлат музей кўриқхонаси ичида ва “Дишан Қалъа” атрофида медицина пунктларини ташкил этиш ва чет тилларини биладиган медицина ходимлари жалб қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Ундан ташқари халқаро магистраль йўллари бўйида ҳар 100 км.да талабга жавоб берадиган медицина пунктларини ташкил қилиш лозим. Туристик маршрутларда сайёҳларни транспорт воситаларида хавфсизликларини таъминлаш мақсадида ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳамкорликда ишлар олиб борилган. Туристик хизмат кўрсатиш объектларида ёнғин хавфсизлигини кучайтириш, автотранспорт воситаларида биринчи ёрдам кўрсатишни учун керакли дори дармонларни ва жиҳозларни таъминлаш лозим.

**Вилоятда сайёҳатчиларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларини ҳолати.** Вилоятда сайёҳатчиларга транспорт воситаларида хизмат кўрсатадиган транспорт воситалари “Хоразм Палас” меҳмонхонаси балансидаги Хундай Аэропейс русумли 1та 45 ўринли EURO-1 стандартига жавоб берадиган автобус, “Asia-Xiva” меҳмонхонаси тасарруфида Daewoo русумли 1та 40 ўринли стандартларга жавоб берадиган автобус мавжуд. Ушбу автобуслар ҳолати талабларга жавоб беради.

## Хулоса ва таклифлар

Минтақавий туризмни келгусидаги ривожланиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги маъмурий чегараларни ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатаётган тўртта: Фарғона, Тошкент, Самарқанд-Бухоро, Хоразм ва келажакда режалаштирилаётган Жиззах, Қарши-Термиз, Ўрта-Қорақалпоқ туризм районларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда минтақавий туризмни ривожлантиришни оммавий тус олиши учун фақатгина юқорида кўрсатилган чора-тадбирлар етарли эмас, албатта. Бунинг учун туристик таълим, тарбия, тарғибот, ташкилий- ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда бир ёқадан бош чиқариб, йўлимизда учраган барча камчиликларни бартараф этишимиз керак. Ватанимизда минтақавий туризмнинг тараққиёт салоҳияти ниҳоятда катта ва уни жадал суръатлар билан ривожлантириш учун барча имкониятлар майжуд. Фақат бу салоҳият ва имкониятлардан жаҳонда минтақавий туризми тараққий этган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, оқилона фойдаланиш ҳамда илмий асосда хатоларсиз амалга ошириш лозим.

Ҳозирги кунда минтақавий туризмни ривожлантиришда куплаб тарихий жойлар, меҳмонхоналар реконструкция қилинди, кўплаб кўнгил очар масаканлар, истирохат боғлари, театр, кинотеатрлар ва бошқа хизмат кўрсатиш жойлари қурилмоқда. Куплаб тур фирмалар фаолиятини айнан ички туризмга боғлаб янги турлар ишлаб чиқиб маҳаллий аҳоли учун хизмат кўрсатмоқда.

Шунингдек, республикада минтақавий туризмни ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим. Зеро, халқаро туризмнинг ривожланишида минтақавий туризм катализатор ролини бажаради.

Республикада минтақавий туризмни ривожлантириш бўйича бизнингча, қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- Республикада туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган

тадбиркорларга амалий ёрдам бериш, хорижий ҳамкорларни топиш, ҳуқуқий маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш, дунё мамлакатларида ўтказиладиган сайёҳлик ярмаркаларида қатнашиш ва ушбу ярмаркаларни вилоятда ўтказишни ташкил этиш;

- Миллий анъаналарни намоён этувчи маҳалла ва чойхоналар ҳамда қадимий меъморчилик усуллари сақланиб қолган уйларни аниқлаш ва туристик маршрутларга киритиш;
- республика ҳудудидаги туристик объектларга борувчи йўлларни таъмирлаш ва ободончилик ишларини олиб бориш;
- Юқори малакали кадрлар тайёрлаш, “Ўзбектуризм” МК базасида туризмни илмий жиҳатдан ўрганувчи ихтисосликлар очиш;
- Республика ҳудудидаги тоғларнинг рекреация имкониятлари ҳамда сайёҳлик йўналишларини аниқлаш, туманлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, дам олиш масканларини ўрганиш;

Республикада мавжуд туристик объектларни реклама қилиш, жумладан, уларнинг ривожланган ва айниқса, мусулмон давлатларида рекламасини ташкил этиш ва ҳ.к.

Хоразм вилоятининг бой тарих, маданиятга эга эканлиги, Буюк ипак йўлида жойлашганлиги жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига сазовордир. Ушбу воҳани туристик инфратузилмасини янада такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Хоразмда воҳасида жойлашган барча тарихий меъморий объектларни тўлиқ паспортизациядан ўтказиш, уларни тамирлаш ва улардан мақсадли фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида дастурлар яратиш лозим. “Ичан-қалъа” давлат музейи кўрикхонаси фақат туристларга экскурсия хизмати сифатида фойдаланишини қаттиқ назорат қилиш. “Дишан қалъа” деворларини сақлашни бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш;
- Туристлик йўналишларнинг янги турларини ишлаб чиқиш: - овчилик ва балиқчилик туризми, Хоразм вилоятида муҳофаза қилинадиган

табиий ҳудудларда ҳамда Қаракум, Амударё қирғоқлари ҳудудларига янги туристик йўналишларини очиш бўйича (туяларда) экологик туризмни йўлга қўйиш;

- Қишлоқ жойларида мавжуд тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва туризм инфратузилмасини барпо этиб янги туристик маршрутларни ташкил этиш;

- Транспорт инфратузилмасини; авиарейсларни туристик мавсумларда кўпайтириш ва чартер рейсларни ташкил этиш, мамлакатимиз туристик шаҳарлари Бухоро, Самарқанд йўналишларида тезюрар поездларни ташкил қилиш, Бухоро вилоятини боғловчи автомагистраль йўлини таъмирлаш ва йўл бўйида жаҳон андозаларига жавоб берадиган кемпинглар, дам олиш масканлари, медицина хизматлари кўрсатиш, автомобилларга ёқилғи қўйиш шаҳобчаларини ташкил этиш;

- Вилоятда меҳмонхона хўжалиги хизматларини такомиллаштириш мақсадида Хива ва Ургенчда замонавий меҳмонхоналар қуриш ва мавжудларини капитал таъмирлаш учун тўғридан тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш. Ҳозирги «Жайхун» туристик комплексинининг инвестори билан шартномани бекор қилиш ва бошқа инвесторларга сотиш ёки инвестиция шартлари билан «ноль» қийматида бериш;

- Туризм соҳасида малакали кадрларни жумладан: туризм ва меҳмонхона хўжалиги, ресторан менежерлари, туроператорлар, гид экскурсоводларни фақатгина олий ўқув юртлари базасида олиб бориш мақсадга мувофиқдир;

- Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги элчихоналар ва Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатларнинг элчихоналари ёрдами билан телевидение, радио ҳамда интернет тармоғи орқали Ўзбекистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг салоҳияти ва аҳамиятини кўтарадиган реклама роликларни ва презентацияларни намойиш қилиш;

- Чартер рейслари билан тўғридан тўғри Урганчга келадиган Франция, Германия, Австрия, Италия, Буюк Британия, Бенилюкс мамлакатлари, Япония, Корея каби мамлакатлардан ташриф буюрадиган хорижлик туристларга аэропортнинг ўзида виза масалаларини ҳал этишни йўлга қўйиш;

- “Ўзбектуризм” МК, Маданият ва спорт вазирлиги ва ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда “Хоразм санъати, маданияти ва миллий меъроси” мавзусида доимий ҳалқаро туристик ярмаркасини ташкил қилиш;

- Хива “Ичан Қалъа” давлат музейи кўриқхонасида ва “Дишан Қалъа” ҳудудида тарихий ёдгорликларни емираётган термик ҳашаротига қарши қурашиш масаласини Ҳукумат миқёсида ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

Реклама фаолиятини янада кучайтириш ва ёдгорлик буюмлари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни такомиллаштириш вилоятга келадиган туристлар оқимини янада кўпайтиришга олиб келади. Реклама фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифларни келтириш мумкин:

- Барча реклама маҳсулотларида буклетлар, брошюралар, каталоглар, хариталар, плакатлар, китобларни чоп этишдан олдин тегишли ташкилотларга кўрсатиб маълумотларни ҳаққонийлигини текшириш лозим;

- Реклама маҳсулотларида ягона миллий «UZBEKISTAN» туристик брендини кенг қўллаш мақсадга мувофиқ;

- Туристлик фирмалар ва меҳмонхоналарни минтақавий ва ҳалқаро туристик ярмаркаларда қатнашишига кўмаклашиш;

- Магистраль йўлларида, чегара назорати пунктларида, вокзалларда реклама таблоларини ташкил қилиш;

- Урганч, Хива шаҳарларида, аэропорт ва темир йўл вокзалларида экскурсия ва сайёҳлик ахборот офислари фаолиятини йўлга қўйиш;

- Хоразм вилояти “Ўзбектуризм” МК ҳудудий бўлими сайёҳлик сайтини ташкил этиш ва уни техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

- Қадимий Хоразм ва Хива обидалари, маданияти, анъана ва урф-одатлари тўғрисида рекламага оид видеофильмларни яратиш, уларни хорижий сайёҳларга эсдалик совға тариқасида тухфа қилиш;

- Ишлаб чиқариладиган реклама маҳсулотларининг тарғибот-ташвиқот этилиш жойлари сифатида темир йўл поездлари, вокзаллари, аэропорлар ва хаво кемалари бортлари, меҳмонхоналар, интернет, кўргазмалар, ярмаркаларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

**Саёҳатчиларга транспорт хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш учун қуйидаги таклифлар берилди:**

- Туристик фирмалар ва меҳмонхоналарга транспорт воситаларини сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматларини ташкил этиш;

- Мавжуд транспорт воситаларини ҳар бир маршрутдан олдин унинг техник кўриқдан ўтказиш;

- Ҳайдовчиларни медицина кўригидан давомли ўтказиб туриш;

- Ҳайдовчиларни маршрут давомида автобусларни бошқаришини 8 соатдан ошмаслиги қаттиқ назорат қилиш;

- Автомобилларни ижарага беришни ташкил қилиш.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.:Ўзбекистон.2005 йил. -36 б.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисидаги” қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т.22.-Т.: Адолат, 2000.б.131-140.

### **2.Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари**

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 15.04.1999 йилдаги ПФ-№2286 фармони.// “Халқ сўзи”, №74 16 апрел 1 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги 1162 рақамли ”Буюк Ипак йўли”ини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада Халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора –тадбирлар тўғрисидаги” Фармони. //Халқ сўзи, 1995.3- июн.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбектуризм” МКсининг ташкил топиши” тўғрисидаги фармони № ПФ-447 27 июля 1992 йил. //Халқ сўзи.1992. 27 июл.

### **3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.**

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №346 8 августда қабул қилинган “Туристик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш” тўғрисидаги фармойиши. - Халқ сўзи 9-август 1998 й

### **4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.**

8. И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. “Халқ сўзи” газетаси, 22 январ 2011 йил.
9. Каримов И. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2008 йил 7 декабрда сўзлаган маърузаси.

10. Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005 -92 б.
11. Каримов И. “Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли” Тошкент Ўзбекистон 2005й -318б.
12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов –Т: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 бет.
13. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. – 2011. - 22 январ.
14. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2010. - 27 январ.

### **5. Дарсликлар.**

15. Кусков А.С., Джаладян Ю.А. Основы туризма: Учеб. – М.: КНОРУС, 2008. – 400 с.
16. Абидова.Д.И. Ресторан сервисини ташкил қилиш. ўқув қўлланма 249 бет Тошкент, ТДИУ 2007й
17. Жулидов С.Б. The Travel and Tourism Industry: учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. - 207 с
18. Дмитрев. М.Н. Экономика туристского рынка: учеб. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 311с.

19. География туризма: учеб. /кол. Авторы; под ред. А.Ю. Александровой. 2-е изд., испр. и доп. - М.: КНОРУС, 2009. – 592 с

#### **6. Фойдаланилган докторлик ва магистрлик диссертациялари**

20. Бекмуродов А., Болтабоев М., Ғойибназаров Б. ва бош. Ўзбекистон иқтисодий либераллаштириш йилларида. 1-қисм. Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. - Т.: ТДИУ, 2005.

21. Хамидов О.Х. «Конкурентная стратегия предприятия туристических услуг на рынке Узбекистана». – Т.: Энциклопедия Узбекистана, 2006г. 106с.

22. Мирзаев Р. Туристические жемчужины Узбекистана. – Т.: Ипак «Шарк» 2005 г. 86 с.

23. Янкевич В.С., Безрукова Н.Я. “Маркетинг в гостиничной индустрии и туризме: российский и зарубежные опыт” “Экономика и статистика”. 2005 – 110 с.

24. Compendium of Tourism Statistics. WTO. Madrid, 2002. Tourism Highlights Edition, WTO, Madrid, Spain 2003 - 123 p.

#### **7. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари**

25. Файзиева Ш.Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. И.ф.н.дисс. –ТДИУ, 2006. – 140 б.

26. Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишига таъсири (Испания мисолида) Иқтисод фанлари номзоди даражасини олиш учун диссертация. Тошкент, 2004й. -135 б.

27. Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана. Иқтисод фанлари номзоди даражасини олиш учун диссертация. Тошкент, 2006й. -156 б.

#### **8. Журнал ва газеталардаги мақолаларга ҳаволалар**

28. Алимов К.А. Особенности развития туризма в Узбекистане. Восемнадцатые международные Плехановские чтения «Тезисы докладов» 2005 г. Апрель. – 405-406 с.

29. Хамидов О.Х. Роль туристского образования в конкурентоспособности отрасли. /Сборник научных трудов. «Социально-экономические и технико-

технологические проблемы развития сферы услуг». Ростов-на-Дону, 2005 - 235-236 с.

### **9. Хисоботлар ва статистик материаллар**

30. Абидова Д.И. В заграничную поездку захватите полис. Журнал «Налогоплательщика». №9. 2005г. август. 17-19 с.
31. Сафаева С.Р. Туризм в Угам – Чаткалском национальном природном парке. Газета «Заповедные острова» №1. г. Москва, январь 2005 г. 26-27 с.

### **10. Интернет сайтлари**

40. [www. Country Listing. Factbook Page](http://www.Country Listing. Factbook Page)
41. [www. turespana.com](http://www. turespana.com)
42. [www. frontur.es](http://www. frontur.es)
43. [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org)
44. [www.wttc.org](http://www.wttc.org)
45. [www.tag-group.com](http://www.tag-group.com)
46. [www.e-tours.ru](http://www.e-tours.ru)
47. [www.travel-library.com](http://www.travel-library.com)